Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5 1-йил чиқиши. ОКТЯБРЬ 1966 й. ЧОРШАНБА № 83. БАҲОСИ 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Кеча кечқурун Чехословакия республикасининг Словакия областида чиқадиган «Правда» газетасининг адабий редактори Марусиак Ондрий Тошкентга келди. Журналист бугун Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Журналист М. Ондрий Ўзбекистонда бир неча кун бўлиб, ўлкамиз меҳнаткашларининг ҳаёти ва меҳнати билан танишади.

ИССИҚ КИЙИМЛАР

Бугун учинчи тикув фабрикасининг коллективи 3 минг 500 та ўрнига тўрт мингта иссиқ кийим тикиб чиқарди. Тикувчилар шу кунларда қишлик кийимларни тайёрлашга жадаллик билан киришганлар. Сентябрь ойи плани 113 процент бажарилди. Бу — турли фасондаги 120 минг дона кийим-кечак демакдир. Ҳозир фабрикада янги фасонлар ўзлаштирилмоқда.

БУГУНГИ ЯНГИЛИКЛАР

Киров район партия комитетининг пленуми

Бугун Киров район партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум район партия комитетининг секретари Л. Беккулбеноваинг «Партия ўқиши системасида янги ўқув йилига тайёргарлик ва район партия ташкилотининг вазифалари» ҳақидаги докладини муҳокама қилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Самарқанд ва Бухоро тарихий ёдгорликлари билан танишган чет эл матбуот органларининг Москвадаги мухбирлари Тошкентда бир неча кун бўлдилар.

Журналистл а р н и Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Х. А. Асомов қабул қилди. Ўртоқ Х. А. Асомов Тошкентнинг келажаги ҳақида ва амалга оширилиадиган бир катор ишлар ҳақида гапириб берди.

Журналистлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ўтказилган матбуот конференциясида ҳам бўлдилар.

Конференцияни республика Фанлар академиясининг бош илмий секретари М. З. Ҳомудхонов очди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сейсмология институтининг директори Ғ. О. Мавлонов, Фанлар академиясининг ер бўлими бошлиғи О. М. Акромхўжаев, «Тошкент» сейсмик станциясининг директори В. Уломов, механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институтининг директори Т. Р. Рашидов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Ўзбек олимлари Тошкент зилзиласининг сабаблари ва уни аниқлаш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳақида журналистларга гапириб бердилар.

Журналистлар кеча кечқурун Москвага жўнаб кетишди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССРда илмий-техника ва маданий тараққиётни янада ривожлантиришни рағбатлантириш, Ленин мукофотларининг аҳамиятини ошириш мақсадида, шунингдек давлат қўллаб-қувватлашга сазовор бўлган ижодий ишларни янада табақалаштирилган тарзда ва кенг рағбатлантириш зарур эканлигини эътиборга олиб, фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари ҳамда СССР давлат мукофотлари тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қарорда Ленин мукофотларини олиш учун тақдим этиладиган ишларга нисбатан талабни оширишга эътибор берилади. Ленин мукофотлари фан ва техникада янги йўналишларни очиб берадиган ва билимнинг шу соҳасида жаҳон ютуқларидан ўзиб кетадиган жуда муҳим илмий тадқиқотлар учун; СССР халқ хўжалиги ва мудофаасига йирик ҳисса қўшадиган ҳамда ўз даражаси жиҳатидан бошқа мамлакатларнинг ютуқларидан устун туриб, техника жиҳатидан масалани принципиал равишда янгича ечганлик учун; давлат ва хўжалик қурилиши, марксча-ленинча фан ва ҳозирги ижтимоий ҳаётга доир актуал масалалар юзасидан ўтказилган катта тадқиқотлар учун, бутун халқ тақдирлаган ҳамда совет бадиий маданиятининг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини мустаҳкамлайдиган социалистик реализм адабиёти ва санъатининг жуда муҳим асарлари, архитектура соҳасидаги ишлар учун берилиши мумкин.

Қарорда Ленин мукофотлари икки йилда бир марта берилади. 30 мукофот, шу жумладан, фан ва техника бўйича 25 мукофот, адабиёт, санъат ва архитектура бўйича 5 мукофот берилади, деб белгиланди. Мукофотлар бериш мавжуд традицияга мувофиқ, В. И. Ленин туғилган кун билан бир вақтга тўғри келтирилади. Ленин мукофотларининг ҳар бири 10 минг сўм миқдорида белгиланди. Ленин мукофоти лауреати дипломи ва кўкранка тақиладиган нишоннинг илгари белгиланган нусхаси сақланиб қолади.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги СССР Давлат мукофотлари Ватан фанини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшадиган илмий-тадқиқотлар учун; энг прогрессив материаллар, машина ва механизмларни яратиш ва халқ хўжалигига жорий қилиш соҳасидаги ишлар учун; янги ғоят унумли технология процесслари учун; халқ хўжалиги учун каттэ аҳамиятга эга бўлган илғор ишлаб чиқариш—техника тажрибасини жорий қилганлик учун; ноёб ва тежамли архитектура ҳамда техника иншоотлари учун; давлат ва хўжалик қурилиши ҳамда марксча-ленинча фан масалалари юзасидан чуқур назарий тадқиқотлар учун; адабиёт ва санъатнинг энг талантли юксак даражада ғояли асарлари учун берилади.

СССР Давлат мукофотлари 1967 йилдан бошлаб ҳар йили Улуғ Октябрь социалистик революцияси йиллигида берилади. 60 та СССР Давлат мукофоти белгиланди, булардан 50 таси фан ва техника бўйича, 10 таси адабиёт, санъат ва архитектура бўйича бўлиб, ҳар бир мукофот 5 минг сўм миқдоридадир. СССР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлган кишиларга «СССР Давлат мукофоти лауреати» унвони берилади, диплом ҳамда кўкранка тақиладиган нишон топширилади.

Ленин мукофотлари бўйича мавжуд комитетлар шу қарорга биноан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин ва Давлат мукофотлари комитети деб, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва Давлат мукофотлари комитети деб аталди.

Ленин ва Давлат мукофотларини бериш тўғрисида комитетларнинг қабул қилган қарорлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланиши ҳамда шундан кейин марказий матбуотда эълон қилиниши лозим.

ВАТАНПАРВАРЛИК ЧАҚИРИҒИ

Совет ишчилар синфи коммунизмга томон олга боришимизда асосий ижтимоий куч эканлиги ҳақидаги сўзлар КПСС XXIII съезди минбаридан баралла янграган эди. Кеча газетамизда эълон қилинган «Таштекстильмаш» заводи ишчиларининг республика саноат корхоналари коммунистик меҳнат коллективларига очиқ хати юқоридаги хулосанинг тўғрилигини яна бир бор кўрсатиб турибди. Хат авторлари — завод илғор бригадаларининг вакиллари беш йиллик планнинг тақдири кишиларга, уларнинг меҳнатига боғлиқ эканлигини, қанчалик гайрат билан, ижодий меҳнат қилишимизга боғлиқ эканлигини айтдилар.

Хатда амалий ишларнинг чуқур ўйланган плани келтирилган. Завод ишчилари ишнинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил этдилар, резервларни аниқладилар, ўз имкониятларини чамалаб кўрдилар. Улар ишлаб чиқаришни ва меҳнатни илмий асосида ташкил этиш ҳамда технологияни такомиллаштириш йўли билан меҳнат унумдорлигини анча оширишга қарор қилдилар. Бу эса беш йиллик топшириғини ишчилар сонини кўпайтирмаган ҳолда бажариш, беш йиллиннинг дастлабки икки йили планини эса муддатидан олдин, 1967 йил 25 октябргача бажариш имконини беради.

Илғорларнинг ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятида ишлаб чиқариш ва иқтисодий вазифаларни ҳал қилишгина кўрсатиб қолинмай, бригада коллективлари социал тараққиёти планининг муҳим элементлари ҳам келтирилганки, бу — ғоявий, умумтаълим, профессионал техника савиясини ошириш, ёшларни тарбиялаш, жамоат ишларида актив қатнашишдан иборат.

«Ўзбекистон саноат корхоналарининг барча коммунистик бригадаларини ва бошқа коммунистик меҳнат коллективларини сафимизга қўшилишга, ўз социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш ва Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли коллектив деган шарафга эришиш учун социалистик мусобақада актив иштирок этишга чақирамиз» — дейилади очиқ хатда.

Тўқимачилик машинасозларининг ватанпарварлик даъвати ишчилар синфининг гвардиячиларига, келажак разведкачиларига қаратилгандир. Бу — ишчиларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш умумхалқ ҳаракатини янада авж олдиришга даъватдир. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг бутун коллективи, конструкторлик бюроси коммунистик меҳнат бригадалари коллективларининг йиғилишдан кейинок бу ватанпарварлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлади ва ўз зиммасига оширилган мажбурият олишга қарор қилди.

Тўқимачилик машинасозлари:

— **Октябрь 50 йиллиги номидаги коммунистик меҳнат зарбдори, бригадаси, участкаси, цехи деган шарафли номни олиш учун социалистик мусобақанн янада авж олдирамиз, — деган** қарорга келишди. Улар 1967 йил ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўн ойлик программасини 26 октябргача бажаришга, планга қўшимча юз эллик минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Заводда меҳнат унумдорлиги планда кўрсатилганига қўшимча равишда 0,2 процент оширилади, маҳсулотнинг таннархи ҳар бир сўм ҳисобига 0,1 тийин камайтирилади. Машина ишлаб чиқаришга меҳнат чиқимлари планда кўрсатилганига қўшимча бир процент камайтирилади, 150 тонна қора металл, 2 тонна рангли металл, 50 минг киловатт соат электр энергияси тежаб қолинади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан пландагига қўшимча равишда 10 минг сўм тежаб қолиш кўзда тутилган.

Завод коллективи машиналарнинг янги маркаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатини 1,2 баравар қисқартириш, «УТКС-88-1» ҳамда «ТКС-88-1» маркали янги машиналарнинг намуналарини муддатидан бир ой олдин тайёрлашни ўз зиммаларига олдилар.

Тўқимачилик машинасозлари бундан ташқари завод территориясини обод қилиш, цехларда намунали тартиб ўрнатиш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириши, 1967 йилда завод пионер лагерида павильон қуриш, қишлик спорт базасини барпо этиш мажбуриятларини олдилар.

«Таштекстильмаш»чилар «Узбекхлопкомаш» заводи ва Ивановадаги тароқлаш машиналари заводи коллективларини социалистик мусобақага чақирдилар.

Республикамиз меҳнаткашларининг илғорлар ташаббусини қўллаб қувватлашн одат бўлиб қолган. Бугун «Таштекстильмаш» заводининг коммунистик меҳнат бригадалари яна бир ташаббус билан майдонга чиқдилар.

Коммунистик меҳнат коллективи номини олган коллективлар олдига Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номидаги коллектив деган шараф учун курашишдек янги илҳомбахш вазифа қўйилди. Бу мусобақага қўшилган бригадалар ҳар ишда намуна кўрсатишлари, эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмасликлари, ишлаб чиқариш маданиятини тобора оширишлари, юксак коммунистик жамият қуришдан иборат умумхалқ ишига ҳиссамизни янада кўпайтириш учун куч ва ғайратимизни аямайлик».

Бу — мусобақанинг натижаларини ҳаммага билдириб туришдир. Мусобақа қатнашчилари мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туришлари, ўз тажрибаларини бошқаларга сахийлик билан ўргатишлари, қолоқларни илғорлар сафига ўтказишда ёрдам беришлари керак.

Бу ажойиб ташаббусни республикамиздаги барча район партия комитетлари, ҳамма партия ташкилотлари, корхоналар ва қурилишларнинг коллекивлари қўллаб-қувватлашларига шубҳа йўқ. Лекин бундай қилиш дастлабки қадамгина бўлади. Коммунистик меҳнат коллективлари мусобақаси янги босқичининг аҳамиятини меҳнаткашларга тушунтирмоқ ва бу мусобақани умумий ишимизга катта ёрдам берадиган даражада чинакам ташкил этмоқ керак. Бу ишда пюв-шувга, мусобақалашувчиларнинг сонини кўпайтириш кетидан қувишга йўл қўйиб бўлмайди. Олинган мажбуриятлар ҳар томонлама асосланган, пухта муҳокама қилинган бўлмоғи керак. Бундай мажбуриятларнинг бажарилишини жамоатчилик контроль қилиб борсин.

Тўқимачилик машинасозларининг хати эълон қилинди. Уларнинг қиммати таклифи коллектив муҳокамасига қўйилди. Бу даъватнинг қуйидаги сўнгги сатрлари республикамиздаги ҳар бир ишчининг қалбида актив ҳаракат қилишга чақириқ бўлиб акс садо бersин.

«Бизнинг ўрнимиз келажак разведкачилари сафидадир, партиямиз белгилаб берган режаларни муваффақият билан амалга оширувчилар сафидадир... Коммунистик жамият қуришдан иборат умумхалқ ишига ҳиссамизни янада кўпайтириш учун куч ва ғайратимизни аямайлик».

Бу икки йигит Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг илғор ишчилари Геннадий Кузин ва Николай Стручковдир. Улар коммунистик меҳнат бригадаси номини олган гилдирак цехида ишлаб, топшириқни ҳамиша 125 процентдан ошириб адо этишади.

СУРАТДА: Геннадий Кузин ва Николай Стручковлар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотоси.

ВАГОНЛАР БЎШАТИЛМОҚДА

Бугун Тошкент темир йўлининг пойтахт атрофидаги юк станцияларида иш одатдагидан ҳам қизиб кетди. Станцияларга кириб келаётган темир йўл составларидаги вагонларнинг юклари бирин-сирин тушириб олинмоқда.

Кечанинг ўзида «Главташкентстройга» қарашли қурилиш ташкилотларининг коллективлари 446 вагон, ленинградликлар 125 вагон, москваликлар 92 вагон юкни тушиндилар. Бу вагонларда Тошкентни бунёд этиш учун Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан қурилиш материалдлари келтирилган.

ОҚ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Шимолий-шарқдан секундига 5-7 метр тезликда шамол эсади.

Бугун кечаси 7-9, эртага кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.



Қардош Тожикистон бинокорлари Тошкентда қураётган уй-жойлар тобора кўнка бўй чўзмоқда.

СУРАТДА: Тожикистон бинокорларининг қурилиш майдончасида.

И. ЧЕРНОВ ва А. ФОМИН фотоси.

Қалбаки пул ишлаб чиқарувчилар кўпаймоқда

ВАШИНГТОН, (ТАСС). АҚШ молия министрлиги махфий хизмат идорасининг кеча бу ерда эълон қилинган йиллик докладида шундай дейилади: Қўшма Штатларда ўтган молия йили давомида (1965 йилнинг 1 июлидан 1966 йил 30 июнигача) маъмурлар жами 9 миллион доллар миқдоридаги қалбаки пулларни мусодара қилдилар. Бу рақам рекордли деб ҳисобланади.

АҚШда қалбаки пуллар ишлаб чиқариш ўсаётганлигини яна шу нарсадан билиш мумкинки, ўтган йили 3,36 миллион доллар миқдорида қалбаки банкнотлар мусодара қилинган эди.

Докладда айтиладики, ўтган йили Қўшма Штатларда қалбаки пул ишлаб чиқарувчилардан 866 киши қамоққа олинди.

БРАЗИЛИЯДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Бразилиядан хабар беришга кўра, кеча Бразилия миллий конгресси маршал Артур Коста Э Силвани республика президенти қилиб сайлаган.

Янги президент, келгуси йил 15 мартдан бошлаб ўз лавозимини эгаллайди.

ТАНЗАНИЯДА САЙЛОВ

ДОРУССАЛОМ. (ТАСС). Танзания миллат мажлиси шу йил 4 декабрда ҳокимиятнинг маҳаллий органларига умумий сайловлар ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Қонун лойиҳаси сайловчилар ёшини 18 ёшдан 21 ёшгача оширишни кўзда тутади.

ДАВЛАТ ЗАЁМИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Кеча Францияда жами 1,5 миллиард франклик ҳукумат заёми чиқарилди. Заёмни тарқатишдан тушган маблағ асосан транспорт, электр станциялар, шахталарни ускуналаш эҳтиёжларига ишлатилади.

ТУНИС ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Тунисдан хабар беради: Тунис ҳукумати Бирлашган Араб Республикаси билан дипломатик ва бошқа муносабатларни узишга қарор қилди. Тунис министрлар кабинетининг мажлиси тамом бўлиши билан шу ҳақда расмий суратда эълон қилинди.

Сўнги йилларда шу икки мамлакат ўртасида бир қанча халқаро проблемалар ва араб проблемасига оид келишмовчиликлар сабабли муносабатлар кескинлашган эди.

ПАРТИЯЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ДОРУССАЛОМ, (ТАСС). Танганьиканинг Африка миллий иттифоқи партияси ва Бирлашган Араб Республикасининг Араб социалистик иттифоқи партияси шу икки партия ўртасида сиёсий соҳада ҳамкорлик ва мунтазам суратда фикр олишув тўғрисида бир битимга келдилар.

Танганьиканинг Африка миллий иттифоқи партияси қароргоҳи томонидан эълон қилинган баёнотда айтиладики, Бирлашган Араб Республикаси Президенти Носир Танзанияда бўлган вақтида Араб социалистик иттифоқи партияси билан Танзаниянинг Африка миллий иттифоқи партияси вакиллари ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. Мазкур музокаралар вақтида икки партия доимий алоқани ва янада яхшироқ ҳамжиҳатликни қувватлаш мақсадида турли даражада бир-бирларига вакиллар юбориб турадилар.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА МУКОФОТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИДА

Адабиёт ва санъат соҳасида Ҳамза Ҳакимзода мукофотларини бериш республика комитети Ҳамза Ҳакимзода мукофотлари учун тақдим этилган асарлардан қуйидаги номзодлар танлаб олинганлигини маълум қилади:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

1. Абдулла Қаҳҳор. «Ўтмишдан эртаклар» повести. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи тақдим этган.

МУЗИКА СОҲАСИДА

1. Р. Ҳамроев. «Зулматдан зиё» оперази, либретто автори Туроб Тўла.
2. Икром Акбаров. «Скрипка концерти».
3. Собир Бобоев. «Табрикнома» кантатаси.

Ўзбекистон Композиторлар союзи тақдим этган.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА

1. Г. А. Пугаченкова ва Л. И Ремпель. «Ўзбекистон санъати тарихи». 1-том. Монография.

Ўзбекистон Рассомлар союзи тақдим этган.

2. В. В. Березин, А. И. Фанлейб С. М. Сутягин, Д. М. Шуваев, Ю, А. Халдеев архитекторлар; А. А. Асанов, А. С. Браславский, Э. Ф. Леннешмидт — инженерлар Санъат саройи ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий биноси.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи томонидан иккинчи марта тақдим этилган.

* * *

Ҳамза Ҳакимзода мукофотларини бериш комитети конкурсга қўйилган асарлар рўйхатини эълон қилиш билан бирга 1966 йил (1965 йил учун) мукофотларини беришда номзодлари кўрсатилган асарларни совет матбуоти органлари ва кенг жамоатчилик томонидан ўз вақтида актив муҳокама қилишда катта ёрдам кўрсатадилар деб ишонч билдиради.

Номзодлари кўрсатилган асарларни муҳокама қилишда ижодий ва жамоат ташкилотлари маданий муассасалар ва барча меҳнаткашлар кенг иштирок этсалар, ўз фикр-истакларини билдирсалар, таклиф ва мулоҳазалари билан матбуот саҳифаларида қатнашсалар ёки хат орқали комитетга мурожаат қилсалар беҳад миннатдор бўлардик. Комитет адреси: (Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи).

МЕХАНИЗАТОР СТУДЕНТЛАР

Еттисой, (5 октябрь, телефон орқали). Сирдарё областининг Ленин номли ва «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозларининг далаларида пахта тераётган Ленин номли Тошкент давлат университетининг 300 дан ортиқ студенти бугун давлат хирмонига 200 тоннага яқин «оқ олтин» тўкди. Ҳар бир студент 82 килограммдан пахта термоқда. Теримда география, биология, юридик, тарих факультетларининг студентлари пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ғайрат ва ташаббуси билан бугунгача 1200 тоннадан ортиқ пахта терилди.

Бу совхозларнинг далаларида университетнинг студент механизаторлари ажойиб меҳнат намунасини кўрсатмоқдалар. 18 механизатор 9 машина ёрдами билан бугун 30 тонна пахта терди. Улар машинада ҳаммаси бўлиб 130 тонна пахта тердилар.

Ўтган йили Сирдарёнинг беполён далаларида 6 минг тонна пахта териб берган университет студентлари бу йил бу рақамни янада оширмоқчилар.

Москвада Вьетнам Демократик Республикасида бўлиб қайтган РСФСР да хизмат кўрсатган рассомлар В. И. Переяславец ва М. И. Самсонов асарлари виставкаси очилди.

Суратда: Рассом В. И. Переяславецнинг «Жануб ва Шимол қурашда бирдам» деган асари.

ТАСС фотохроникаси.

А. ҲАЙИТМЕТОВ.

НАВОИЙ БИНОЛАР БЕЗАГИ ҲАҚИДА

Иқилса ҳужра, бўлсин қаср обод!
Қуруса сабза, бўлсин сарв озод!
(Навоий, «Фарҳод ва ширин»).

1966 йил, 26 апрель Тошкент тарихида унутилмас кун бўлиб қолди. Шу куни кечаси зилзила натижасида минглаб иморатлар вайрон бўлди. Аҳоли эса, жуда катта зарар кўрди. Азим ва кўхна шаҳар бўлган Тошкентни қайта қуриш масаласи туғилди. Шу куни тонгда биз тошкентликлар учун қўёш гўё шарқдан эмас, балки бутун Совет Иттифоқидаги дўстларимиз қалбидан чиқди. Улар бизга дарҳол ёрдам қўлини чўздилар. Янги Тошкентни лойиҳалаш, қуриш ишлари тез бошланиб кетди ва муваффақиятли равишда давом этмоқда. Шубҳа йўқки, якин вақт ичида Тошкент янгидан тикланади. Йиқилган ҳужралар ўрнида қасрлар барпо бўлади, қуриган, топталган сабзалар ўрнида эса сарвлар қад кўтаради.

Тошкентни, хусусан унинг марказини қайта лойиҳалаш муносабати билан газеталаримиз саҳифаларида турли истаклар билдирилмоқда. Ўмуман янги тузилаётган лойиҳаларда миллий архитектуранинг хусусиятлари ҳисобга олинаётгани кишини хурсанд қилади. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи биноюрлик, архитектура соҳасида гоят бой ва гўзал анъаналарга эга бўлиб шаҳарни қайта қуришда улардан ижодий фойдаланмаслик нотўғри бўлур эди. Шу муносабат билан биз биноларнинг бадиий безагида ҳам миллий традицияларга маълум даражада амал қилиш керак, деб ўйлаймиз ва бу ўринда шу масалага Алишер Навоийнинг муносабатини қисқача баён этмоқчимиз.

Маълумки, биноларнинг тащқини ва ичини бадиий бўёқ ва расмлар билан, турли нақшлар билан безаш қадимий традициялардан ҳисобланади. Қадимги юнон тарихчилари Геродот ва бошқалар Ўрта Осиё халқларининг эрамиздан олдинги ҳаёт шароитлари ҳақида гапириб, ҳатто оддий уйларнинг ҳам ташқи томони турли расмлар билан безалганини ҳикоя қиладилар. Катта биноларнинг бадиий безагига қадимги даврларда нақадар катта аҳамият берилганини у биноларнинг бизгача етиб келган баъзи қолдиқларидан ҳам яққол кўриш мумкин. Бунга айниқса ҳозир Самарқандда Афросиёб ҳаробаларидан қазиб топилаётган биноларнинг яхши мисол бўла олади. Бунда саройнинг бутун деворлари рангли ва сюжетли расмлар билан безатилган.

Алишер Навоий ўз асарларида бинокорликда ана шу традицияларни ривожлантириш ғояларини илгари сурди. Ўз даврининг йирик феодалларидан бўлган Навоий қурилиш ишларига катта аҳамият бериб, Фахри Ҳиротий деган адабиётшуносниг хабар беришича, Хуросонда 380 дан ортиқ жамоат бинолари қурдирган. Уларнинг баъзилари ҳозиргача сақланган бўлиб, ўз архитектураси билан кишиларни ҳамон ҳайратга солади.

Улуғ шоирнинг фикрича, бино фақат турар жой вазифасини бажарувчи бир нарса бўлмасдан, ўзининг кўринниши билан кишиларга ором ва эстетик завқ бағишловчи, ҳатто бирор савдога, яъни қийин руҳий ҳолатга йўлиққан кишиларнинг дардини тузатувчи бир санъат асари бўлиши керак. Масалан, шоирнинг «Сабъаи сайёр» достонида шоҳ Баҳром севгилиси Дилоромдан айрилгандан кейин қаттиқ изтиробга тушади. Кечаю кундуз йиғлаб, ўз севгилисини соғинади, подшоҳлик ишларини ҳам унутиб, оҳ-фиғон чекиб, эс-хушидан айрилади. Барча табиблар ва донишмандлар йиғилиб, бу дардни тузатиш чораларини қидира бошлайдилар. Охири бу дардни тузатишнинг муҳим даволаридан бири моҳир архитектор (муҳандис)лар томонидан лойиҳалари (тарҳ) турли шакллардан тузилган бинолар қуришдир, деган қарорга келадилар. Уларнинг бу фикрлари достонда шундай ифоданланган:

Ким: «Керак қилмоқ уйла иш пайдо,
Ким ул иш бўлса дофи савдо:
Бири ул жумладин иморат эрур,
Ки тамошоси кўп натижа берур.
Тарҳ қилса муҳандиси моҳир,
Ҳар замон ўзга шакл этар зоҳир.
Ҳар киши голиб ўлса савдоси,
Дафъи савдо қилур тамошоси.»

Ўзининг лирик ва эпик асарларида Навоий бинонинг безаги масаласига алоҳида аҳамият беради. Маълумки, ўрта аср меъморчилигида, хусусан жамоат бинолари қурилишида кўп вақт бинонинг ердан токчагача бўлган девори (изора)га мармар тош плиталари ёки ҳар хил ранг бериб пиширилган чинни плиталар ёпиштириларган. Бино девори билан гумбаз туташган ерга эса, айланасига катта ҳарфлар билан шу бинонинг вазифасидан келиб чиқиб турли мазмунда хатлар (китоба) ёзиб қўйилган. Навоий меъморчиликдаги бу одатни маъқуллайди. У китобаси ва изораси бўлмаган уй бамисоли лозими ва белбоғи йўқ одамга ўхшайди, деб «Наводируш-шабоб» девонида юмор билан қуйидаги қитъани битган эди:

Уй нчра ҳам китоба, ҳам изора
Заруратдур туганган чоғда қилмоғ.
Йўқ эрса ул уй ўхшар бир кишига,
Ки анда бўлмагай иштону белбоғ.

Навоий иморатнинг ҳар хил ранг бериб пиширилган гишт-кошинлар билан ишланишини кенг тарғиб қилган. Қўшинқорлик Ўрта Осиё меъморчилигидаги энг муҳим безак усулларидан бўлиб, бу санъатнинг жозибаси Самарқанд тарихий обидаларининг безаги мисолида ҳамон кишини ўзига тортади. Навоийнинг таърифича, кошин бинонинг эгнидаги нақшлик тўни бўлиб, усиз иморатнинг ҳусни очилмайди. У билан эса, иморатнинг бир ҳуснига ўн ҳуснни қўшилади. Ўша девондаги бошқа бир қитъасида шоир ёзади:

Ҳар иморатким туганди гарчи шўҳедур жамил,
Бўлса кошин корлиг, айлар жамолин бирга ўн.
Бу яқиндурким, жамол аҳли ёлонглиқдин басе
Яхшироқдир ўлса кошин нақшлиқ эгнида тўн.

Бинонинг бадиий безагига оид фикрлар Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида айниқса кенг ва гўзал ифодаланган. Ёшлигида Фарҳоднинг кундан кун мазаси қочиб, хафақон бўла бергач, отаси унинг баҳри дили ёзилсин, деб тўрт фаслга мос тўрт иморат қуришга фармон беради. Бу бинолар жаҳоннинг энг машҳур усталари томонидан жуда тез қурилиб бўлади. Деворларини турли суратлар ва манзаралар билан яхши бўёқлар ишлатиб безашда, нақшлашда Фарҳоднинг ўзи ҳам фаол қатнашади:

Ташнда қилди Қоран санъату соз,
Ичинда бўлди Моний нақш пардоз.
Ҳам ул алвон билаким тушти тақрир,
Тузатти ҳар бир эвга нақшу тасвир...
Қаю суратки Моний қилди тимсол,
Анга Фарҳод очти чеҳра филҳол...

Баҳор фаслида дам олишга мослаб солинган иморат гул рангида безатилган бўлиб (Баҳоргул фасли-ку, деворларига катта гулзорнинг расми ишланган; унда гулгун гиламлар ёзилиб, ҳар хил гуллар очилган; бинонинг эшиклари, дарчалари, ҳатто, туйнукларигача остоналаригача гул рангида; ҳовузларнинг четига чиройли тош парчалари ётқизилган; ҳовуздан эса гулранг майлар ариқ-ариқ бўлиб оқиб чиқмоқда; шундай гўзал ерда гўзал қизлар ҳарир ва гулдор кўйлаклар кийиб, савлат тўқиб бир текисда кезиб юришибди. Шоир буни, мана қандай тасвирлайди:

Баҳорий равза топқоч зебу тазйин,
Ичу тошиға гулгун бўлди ойин.
Бўлуб суратларига чеҳра гулранг,
Қилиб гулзор аро ишратқа оҳанг.
Гилеми солиниб гулгуну зебо,
Ясолиб кўркаси гулранг дебо.
Бўлуб гулранг равзан, тобадон ҳам,
Эшик гулранг, балким остон ҳам.
Бутуб ҳавзики руҳ олиб қут,
Ушоқ тош теграсида лаълу ёқут.
Бўлуб гулранг май ҳавз ичра то лаб,
Ариқлардин доғи оқиб лабо-лаб,
Очилғон ҳар тараф бир гулшани гул.
Ўқулган ҳар сори бир ҳирмони гул.
Кезиб гулчеҳралар ҳар сори мавзун,
Кийиб бошдин аёқ дебойи гулгун.

Иккинчи бино ёз фаслига мўлжалланган бўлиб, у кўк рангда безатилган. Унинг деворларида сабзалар, чаманларда сарву санубарлар ўсиб турибди; уларнинг шохида эса, тўтиқушлар ўтирибди; бу ерда ҳовуз бўлиб, ҳовуз четига яшил тошлар ётқизилган ва ҳоказо... Учинчи бино куз фаслига оид бўлиб, қизил ва сариқ рангда безатилган. Ундаги ҳавузда сариқ мой оқиб турибди. Ундаги санамлар эса қаҳрабо рангидаги кийимларни кийишган. Ошиқларнинг кийимлари ҳам шунга мос. Тўртинчи бино эса, қиш фасли ранги — оқ билан ясатилган. Деворларга оқ мармар ишлатилган. Ҳовузда ҳам оқ май: равоқлар оқ ганч билан ишланган. Уйларда оқ ипак кийимларга ўралиб сиймган хитой гўзаллари ўлтирибди ва ҳоказо...

Кўрниб турибдики, улуғ мутафаккир ва санъаткор Навоий биноларнинг бадиий безагига бефарқ қарамаган. Унингча ҳам, бино замонинг «Тош китоби» бўлиб, ундан кишилар, авлодлар шу бино қурилган аср одамларининг дунёқарашини, хис-туйғуларини, ақл ва дидини, идеалларини ўқишлари, баҳра олишлари, таълим ва тарбия кўришлари, таҳсин билдиришлари керак.

Ана шу айтилганлардан хулоса чиқариб, биз шаҳримизда қурилажак биноларнинг, хусусан жамоатчилик биноларининг, кўчаларнинг кварталларнинг гўзал ва басавлат бўлишини, меъморчилик соҳасидаги миллий традицияларимиз ҳозирги замон шароитида ривожлантирилишини, улкан қурилишни улкан санъат турлари билан қўшиб олиб борилишини орзу қиламиз. Биноларимиз даврининг кўзгуси бўлса, биз уларда жўшқин ҳаётимиз акси кўриб турсак.



СУРАТДА: Ц-13 микрорайонининг макети. Яна икки йил ўтар-ўтмас бу макет ўрнида ҳақиқий бинолар қад кўтаради. Ҳудди шу суратни вертолётдан туриб олиш мумкин бўлади.
Э. ЭШЕНБАХ фотоси.

САВДО ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ КЕЧИКТИРИЛМАСИН!

Тошкент шаҳрини қайтадан бунёд этиш ишлари тобора авж олмоқда. Шаҳар атрофида уй-жой массивлари қад кўтармоқда. Ана шу янги уйларда яшовчиларга савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида савдо объектлари қурилади.

Шуни айтиш керакки, ана шу савдо объектларининг қурилиши шаҳарда қониқарсиз бормоқда. Савдо объектлари қурилишига ажратилган маблағдан саккиз ой ичида 21,2 проценти — 477,5 минг сўми ўзлаштирилган, холос.

Савдо муассасаларининг ўз вақтида битказилмаганлиги, янги қурилган массивларда яшовчи аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашни кийинлаштирмоқда.

153-қурилиш трести Чилонзор массивининг Г-10, Г-11, Г-12 ва Г-9 секторларидаги савдо объектларининг қурилишини ҳалдан ташқари кечиктириб юборди. Г-9 секторида 1965 йилда бошланган бирдан-бир магазин ҳалига қадар битказилган эмас. Шу йилнинг ўзида трест 41 минг сўмдан саккиз ой мобайнида атиги 15 минг сўмини ўзлаштирди. Шунга қарамай, трест қурилишни тезлатиш учун ҳеч қандай чора кўрмаётир.

Волгоградская кўчасидаги мороженое павильони, Боткина кўчасидаги мебель магазини, Луначарский кўчасидаги савдо объектларининг қурилиши ҳам ниҳоят судралмоқда.

Савдо объектларининг қурилишини уй-жой биноларининг қурилиши билан баравар олиб бориш чоралари кўрилиши зарур.

М. ОРТИҚХЎЖАЕВ,
Шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиғи.

СУРАТДА: Тошкент парфюмерия фабрикасининг ишчиси ўртоқ Н. Гнилецкая. У смена топшириғини 110-115 процент бажараётир.
Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

АЗАМАТЛАР

Дарё сувини баҳор тоширади, инсон қадрини меҳнат оширади. Дарҳақиқат шундай. Бир маҳаллар ойлик планини ҳам бажара олмай, орқада судралиб қолаётган бу коллектив Жамол Холбоев бошлиқ этиб тайинлангач, трестда ҳурмат қозона бошлади.

— Бошлиқда ҳам, бошлиқ бор,— дейди суҳбатда партия ташкилотининг секретари Жамол Холбоевнинг фаолияти ҳақида гапирар экан,— ишнинг кўзини билган, камчиликларни ўз вақтида бартараф эта оладиган, қамтарин, инсонпарвар кишигина элга бошқош бўла олади. Жамол Холбоев ишчан коммунист. Шунинг учун ҳам бригада тез орада оёққа турди.

Партком ҳақ гапни айтди. Ўртоқ Холбоев ишни оддий гишт терувчиликдан бошлаб, меҳнатда ўзини кўрсата бошлади. Касбига меҳр қўйиш — эл-юртга меҳр қўйиш демакдир. Жамол Холбоевнинг ўзи қанчадан-қанча биноларга пойдевор гишти қўйди. Унинг бригадаси қурган биноларда ўнлаб ёшлар никоҳ тўйи ўтказишди, юзлаб оилалар уй тўйи қилиб, улардан чексиз миннатдор эканларини изҳор этишди.

Ҳа, бинокорлик фахрли касб. Ўз касбини севган одамнинг иши доимо бенуқсон бўлади Жамол ака бригадаси қуриб битказган муҳташам бинолар ҳам зилзилага бардош бериб, омон қолди.

Мана Тошкент хуснигахусн қўшаётган студентлар шаҳарчаси. Бу ерда ўқув бинолари, ётоқхоналар ва жамоат бинолари бунёд этилмоқдаки, кўриб қувонасиз. Ахир бу ишда Султонмурод Юнусов, Шорахим Шокаримов, Қаюм Хўжаев, Муҳаммад Исмоилов каби ўнлаб бинокорларнинг муносиб ҳиссаси бор-да.

— Азамат қурувчиларимиз Тошкент Давлат университетининг химия факультети учун беш қаватли ўқув биноси қуриб битказишди, — дейди ўртоқ Холбоев,— бу эса ёшларимизнинг ёруғ ва кўркам аудиторияларда билимларни пухта эгаллашларига имкон беради. Биз қурувчилар бу билан фахрланса арзийди.

Ҳа, фахрланмоқ керак. Чунки бинокорлик касбини улуғлаётган бу уста қурувчининг номи 6-трестга қарашли 7-қурилиш бошқармасида яна ҳам хурмат билан тилга олиняпти. Коммунист Жамол Холбоев юксак мукофот — Ленин ордени билан мукофотланди. Бу фақатгина Жамол аканинггина эмас, у бошлиқ бўлган бригада коллективининг ишига берилган баҳодир.

Э. ҲАЙДАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИДА ДИССЕРТАЦИЯ

«Социалистик Тошкент тарихи» (1917—1940 йиллар) монументаль, монографик асари, ўзининг фактларга бойлиги, равон ёзилиши, кўп муаммолар ечиб берилиши жиҳатидан катта аҳамиятга эгадир. Бу катта илмий асарда гўзал социалистик она шаҳримиз Тошкентнинг бой тарихи муваффақият билан ёритилиб берилган.

Катта ҳажмдаги бу илмий асар тўрт бобдан иборат. Асарнинг дастлабки бобида Тошкент Ўрта Осиёда революция ҳаракатининг маркази бўлгани, граждан л а р уруши йилларида Тошкент большевикларининг ҳаракатлари, Тошкентда совет ҳокимиятининг барпо этилиши ва янги сиёсатга ўтиш тарихи равон жумлалар билан баён этилган. Бундан кейинги бобда эса халқ хўжалигини тиклаш даврида Тошкент асосий марказ бўлганлиги китобнинг асосий қисмларини ташкил этган. Учинчи бобда Тошкент оммасининг социалистик жамият қуриш ва ривожлантиришдаги буюк роли кўрсатилган. Сўнгра асарнинг охирги тўртинчи бобида Узбекистонда маданий революцияни амалга оширишда Тошкентнинг тутган ўрни мукаммал акс этган.

Гуломқодир Рашидов шу китоб асосида тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

Диссертант Ғ. Рашидовнинг яратган «Социалистик Тошкент тарихи» (1917—1740 йиллар) асари тарих шинавандаларини бениҳоя хушнуд этди.

Расмий оппонентлар: академик Е. К. Житов, тарих фанлари докторлари, профессорлар М. Ғ. Ваҳобов. В. Я. Непомнин ўртоқлар ўзбек олимининг ишига юқори баҳо бердилар.

Илмий совет йиғилиши тарих ва археология институтининг старший илмий ходими Ғ. Рашидовга тарих фанлари доктори илмий даражасини беришга қарор қилди.

Талантли олим Ғуломқодир Рашидовни юксак илмий даража билан муборакбод этамиз, бундан кейинги илмий ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз.

О. САЙДАМИНОВ,
ўқитувчи.

ЎРДАДАН ШАЙХАНТОВУРГАЧА
ЯНГИ ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ

Шу кунларда М. Горький кўчасини таниб бўлмайди. Кўчанинг ҳар икки бетидаги эски уйлар булдозерлар ёрдами билан суриб ташланмоқда. Уйларни бузиш кеча-ю кундуз давом этмоқда. Автомашиналар тупроқ ташиш билан, булдозерлар ва скреперлар ер текислаш билан банд. Шаҳарнинг бу қисмида ҳозирги замон баланд уйлари қуриш учун зўр тайёргарлик кетмоқда.

Бу ерда истиқомат қилаётганлар янги уйларга кўчиб кетар эканлар, ўз жойимизга қачон қайтиб келамиз, деб сўрамоқдалар.

Бундан уч ҳафта илгари Октябрь район раҳбарлари «Ташгипрогор»да бўлишиб, Максим Горький кўчасининг келажакдаги кварталлари макетлари билан танишдилар. Бу кўча ҳам ўзига хос микрорайонларга бўлинади. Ана шу микрорайонлардан бири Ц-13 тўғрисида сўзлаб бермоқчиман. Микрорайон М. Горький, Хуршид, Усмон Юсупов ва Янги Олмазор кўчалари ўртасидаги катта майдонни ўз ичига олади. Бу ерда 89 минг квадрат метр ҳажмидаги уй-жой бинолари қурилади. Келаси йилнинг ўзида 60 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. Ленинградлик архитекторлар бу микрорайон лойиҳасини тузишмоқда, ленинградлик қурувчилар бу микрорайонни қурадилар. Нева дарёси бўйидан келган қурувчилар: «Биз бу ерда ҳақиқий Нева проспектини бунёд қиламиз». — демоқдалар.

Бу сўз шунчаки айтилмасдан, балки чин юракдан айтилган сўздир. Бўлажак микрорайонда қуриладиган уйларни қуришда маҳаллий аҳолининг турмуш ва шароитлари ҳисобга олинади. Баланд уйлар орасида икки қаватли уйлар ҳам бўлади. Бу уйларга кўчиб келувчи ҳар бир оила биринчи ва иккинчи қаватдаги секцияларни эгаллайди.

«Ташгипрогор»нинг бош архитектори Леон Адамов бу микрорайоннинг хусусияти тўғрисида бундай деди:

— Ц-13 микрорайонида қуриладиган турар жойлар ҳовлиларга бўлинади. Ҳар бир ҳовли атрофига 3-4 тадан уйлар қурилади. Бу ҳовлилар кўкламзорлаштирилади ва дарахтлар ўтказилади. Болалар чўмиладиган ҳовузчалар, ўйнайдиган майдончалар, катталар учун дам олиш жойлари вужудга келтирилади.

Хоналарнинг ички тузилиши кишилар учун қулай бўлади. Хонанинг баландлиги 3 метр, катта деразаларга эга бўлиб, офтоб тушмаслиги учун соябонлар ўрнатилади.

Кўп қаватли уйлар микрорайон ҳуснини очади. Тўққиз қаватли уйлардан учтаси Хуршид кўчасида, 12 қаватли уйдан учтаси Олмазор кўчасига жойлашади. 300 квартирали 9 қаватли улкан уй Усмон Юсупов кўчасининг ярим кварталини эгаллайди.

Бу микрорайонда яшовчилар учун ҳамма имкониятлар вужудга келтирилади.

Микрорайонда болалар учун алоҳида шароитлар яратиб берилади. Мактаб биноларида болалар муассасалари ҳар бир микрорайон учун алоҳида қурилади. Ҳар бир микрорайонда 1200 ўринли уч қаватли замонавий мактаб биноси вужудга келтирилади, иккита болалар комбинати қурилади. Шу билан бирга ҳозирги 19-мактаб ва иккита болалар боғчаси ўз ўрнида қолади.

Шундай қилиб, келаси йилнинг ўзидаёқ шаҳарнинг бу райони қандай бўлиши кўзга кўриниб қолади. Қурувчилар керакли техника ва қурилиш материаллари билан тўла таъминланган. Районимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг улар тўғрисида қилаётган ғамхўрликлари учун ўзларининг чексиз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар ва ишлаб чиқариш планларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

В. ЗОЛОТИХ,
Октябрь район ижроия комитети раисининг ўринбосари

Болалар ўртасида ўтирган бу қизни сиз кўргансиз. У «Қаердасан, Зулфия» фильмида бош роллардан бирини ўйнаган. Маъмура Орифжонова-дир. У ҳозир Тошкент телестудиясида режиссёр асистенти бўлиб ишлаётир.
СУРАТДА: Маъмура Орифжонова [ўртада] телевизион эшиттириш вақтида.

Мукофотга муносиб меъмор

Муаззам Тошкентимизнинг келажак истиқболи кўли гул бинокорларимиз, қоларверса истеъдодли архитекторларимизни ишига боғлиқ. Чунки қуриладиган бино меъморнинг ниятларини тикланмайди. Бинога гишт қўйишдан олдин, у қоғоз устида юксалади, синовдан ўтади.

Тошкентимиз кўчаларидаги гўзал бинолар ҳам архитекторлар меҳнатининг самарасидир. Замонавий уйларга ўз билими ва истеъдоди билан ҳисса қўшаётган архитекторлардан бири Александр Ильич Файнлейбдир. У меъморчиликда тасвирий санъат, эстетик дид, миллий колорит ва замон руҳини мужассамлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам архитектор томонидан лойиҳаси тузилган бинолар ҳамманинг диққатини ўзига тортади.

Файнлейб 1945 йили ўз ишини оддий архитекторликдан бошлади, 1947 йилдан бери Тошкент давлат лойиҳа институтида ишламоқда. Шу давр мобайнида у Ўзбекистоннинг турли шаҳарлари ва Тошкентдаги кўпгина биноларнинг лойиҳасини тузди. Бухоро — Урал газ қувури трассаси бинокорлари учун қурилган уй-жой. Тошкент ГРЭСи ишчилари учун қурилган турар-жой бинолари, пойтахтнинг Киров ва Октябрь район партия комитетларининг маъмурий биноларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маъмурий биноси, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг маъмурий биноларини ва кўпгина бошқа иморатларнинг лойиҳаси Александр Ильичнинг иш маҳсулидир.

Унинг кўп йиллик меҳнати туфайли яратилган барча биноларни санаб ўтиш қийин. Александр Ильич айниқса пойтахтни янгидан тиклашга катта ҳисса қўшмоқда. Ҳозир у «Узгоспроект» давлат лойиҳа институтининг етук мутахассис — архитекторларидан ҳисобланади. У ёш архитекторларнинг ижодий меҳнатида, уларнинг малакасини оширишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Ўртоқ Файнлейб кундалик меҳнатидан ташқари лойиҳалаш институти ва Ўзбекистон Архитекторлар союзида катта жамоат ишларини ҳам олиб бормоқда. Яқинда СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Файнлейб «Шавкатли Меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Бу мукофот моҳир архитекторни янги-янги ижодий парвозларга чорлайди, ғайратига-ғайрат қўшади. У пойтахтимизни тиклашда янада зўр истеъдод билан ишлайди.

Д. РАҲМОНОВ.

БЕШ МАКТУБ

... Ҳар қандай йўл билан диплом олишни мақсад қилиб қўйган такаббур, бағри тош бир қиз ёмон врач бўлиб етиш. са, ким жавобгар?

...Биринчи синовдаёқ ўзининг қўрқоқлиги ва ҳудбинлигини кўрсатиб қўйган ёш педагог ҳақиқий совет ўқитувчиси бўлиши мумкинми?

... Олти боланинг отаонаси бўлгунча бир-биридан ёлчимаган эр-хотинга қандай маслаҳатлар бериб, уларнинг анчадан бери давом этиб келаётган можаросини қандай бартараф қилган бўлардингиз?

... Меҳрибон онасининг яхши насиҳатига қулоқ солмай, тўғри йўлдан адашган, одамови, беҳаё, худбин бўлиб қолган қиз билан учрашиб қолганингизда нима дер эдингиз?

Мана шундай саволларга сермазмун ва мулоҳазали жавоб бериш учун «беш мактуб» номида муаллиф Тамара Глебовна Глебова зарур материалларни тўплаб китобхонларга тақдим қилди.

«Ўзбекистон» нашриёти бу китобни бугун ўзбек тилида босмадан чиқарди.

Ўқувчи китоб қаҳрамонлари билан танишибгина қолмасдан чуқур мулоҳаза қилишга даъват қилинади ва яқин атрофида рўй берган воқеаларга қандай муносабатда бўлиши тўғрисида ўйлаб қолади. Автор китобхон билан биргаликда ана шу тўғрида ўйлайди, саволларга жавоб қидиради.

Бу китоб фалсафа институтининг илмий ходими Даврон Шорахмедов томонидан таржима қилинган.

Ҳ. САЙДАЛИЕВ.

МИННАТДОРМИЗ

Тошкентдаги зилзиланатижасида уй-жойсиз қолган аҳолига Тошкент алоқа ва электротехника институтининг студентлари ҳам ўз ётоқхоналарини бўшатиб беришди.

Ётоқхоналар бўшатиб берилди, деб ўқиш тўхтатиб қўйилмади. Студентлар квартираларга жойлашиб, ўқишни давом эттирмоқдалар. Мана. биз беш кишини нуроний она Назира Хўжаева ўз бағрларига олдилар. Алоқа ва электротехника институтидан уч киши, Халқ хўжалиги институтидан бир киши ва ТошДУдан бир киши бирга яшамоқдам и з. Онамиз иссиқ-совуғимиздан ҳар куни хабардорлар.

Онага ўз миннатдорчилигимизни баён қилмоқчимиз.

А. ҚАМБАРАЛИЕВ,
студент.

Фан оламида

ҚЎКАТ УНИ

Ҳайвонларни тўйимли озуқа билан таъминлаш учун ўтлардан витаминли кўкат уни тайёрланади. Шу мақсадда мамлакатимизда АВМ-1,5 ва АВМ-0,4 маркали установкалар яратилди. Кўкат уни қуйидагича тайёрланади: беда ёки бошоқлидуккакли ўсимликлар дастлаб майдаланади, кейин қуритиш барабанига транспортёр орқали узатилади. Бу ерда 1000 даражагача қиздирилган ҳаво айланиб туради. Бундай юқори температурада кўк масса қурийди ва тегирмонга тушади. Тегирмонда элак бўлиб, унда қуриган кўк масса эланади. Кўк массага юқори температура қисқа муддат таъсир эттирилгани учун унинг таркибидаги озуқалик модда ва витаминлар сақланади.

Ана шундай йўл билан тайёрланган кўкат уни да ўтнинг табиий хушбўй ҳиди ва таркибида каротин моддаси кўп сақланади, таҳминан 18 процент протеин бўлади.

Янги установка совтига 1,5 тонна кўк массадан 0,4 тонна кўкат уни тайёрлайди. Қуритиш барабанини қиздириш учун дизель ёнилғиси қўлланилиб. ёниш камерасига 6-10 атмосфера босим билан форсунка орқали берилади.

Янги установкадан фойдаланиш озуқа базасини мустаҳамлашга ва чорвачиликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Вьетнам тупроғи

Байроқ каби муқаддас тупроқ,
Айт-чи, сени ўпмаган ким бор!
Вужудимни ғижимлар титроқ,
Ҳайқиради юрагим бедор...
Қора кўзнинг қорачиғлари,
Тўкилмоқда қумлоқларинга
Ёғду сочган юрак чўғлари,
Оташ пуркар қучоқларингга.
Бир кафтингни ювмоқда, ҳайҳот,
Неча минг кафт шафақ рангли қон,
Масъум гўдак, она солган дод —
Фалак чокин йиртарли вулқон!
Майли. сўлим гуллар тожига,
Сачрасин қон томчиси қат-қат.
Ўз юртининг келажагига,
Курашмаган, куймаган — даҳшат!
Аммо, тупроқ,
Ютмагин, зарра. —
Муборак қон томчиларини.
Зангори уфқ, кумуш шаршара,
Қутлуғ қонга ювсин барини.
Ҳар бир қадам ёнсин қизариб,
Тошлар лаҳча чўғ бўлиб қолсин.
Курашларинг тимсоли бўлиб,
Вьетнам ол ранг туғ бўлиб қолсин.

Ёлқин ТОНГОТАРОВ.

Газетхонларимиз хатларидан

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИНИ УНУТМАНГ * ВУЮРТМАЛАР ВАҚТИДА ВАЖАРИЛАДИ

** Газета ва журналларга ёзилмоқдалар*

*** Ҳофиз Таниш Бухорийнинг асари**

„Она безорлар“ газетхонлар муҳокамасида

Энг табаррук ном

Она! Тенги, қиёси йўқ, мислсиз буюк ва муқаддас ном. Оҳ дейилганда юрагим эзилади. Бир ярим йил бўлди, онасиз яшаяпман. Бу ном бехосдан эсимга тушса, вужудим ларзага келади. Энтикаман. Ичимда нимадир тугён уриб, алам ўтида ўртанаман.

...Онам умрларининг сўнгги йилларида гипертония касаллига чалиниб қолдилар. Районда ишлардим мен унда. Уйга қачон келмай, ҳамиша овқат иссиқ, чой тайёр бўлар эди. Ҳатто кечалари ҳам.

— Қўя беринг ойи, совуқ бўлса ҳам ея́вераман. Дамингизни олинг,— деганимга қарамай, чой қуйиб бериб ўтирар эдилар

— Шуни қилмай, кўнглим ўрнига тушмайди. Ишдан чарчаб келдингиз,— дердилар.

...Тошкентда ўқиб юрган пайтимда уйга—районга бордим. Онамнинг рангларининг анча синиққан, овозлари заифроқ, дармонсизроқ кўринар эдилар. Опамнинг айтишича, касал уни анча енгиб қўйган. Онам уззу кун ётадиган бўлиб колган эканлар. Мен боримда эса, сира ҳам ётмадилар, аксинча, уй ишларига қараб, у-бу қилиб юрган бўлдилар.

— Ўглим қийналиб, сиқилиб ўкияпти. Менинг касалимдан яна сиқилмасин. Унинг олдида юриб турганим яхши,— дер эканлар опамга.

...Ниҳоят онам ўн ойча қаттиқ ётдилар. Мен ўқишимдан ҳар ойда бир бориб кўриб турардим.

— Кўп келавермасанг ҳам бўларди, болам, ўқишингдан хаёлинг бўлиняптику. Мана, тузалиб колдим. Овора бўляпсан...—дердилар меҳр билан тикилиб.

...Оғир касал бўлиб ётган кунларининг бирида мени бетоб деб эшитибдилар-да, дарров опамга тайинлабдилар.

— Собиржан бетоб экан. Дарров хат битинглар. Соғлигини аниқ билай.

Ҳолбуки айни ўша кунларда онамнинг ўзлари оғирлашиб, нари-бери бўлиб турган эканлар.

Бу мисоллар океандан бир томчи ҳолос. Онаизор бўлгандан кейин фарзандим деб ҳар кўйга тушади. Ҳа, буни унутиб бўлмайди. Онани унутган кишини инсон дейишга тил бормайди. Онам жисман йўқ, олдимда, лекин унинг порлоқ қуёшдек иссиқ ҳотираси бир секунд ҳам хаёлимдан нари кетмайди. Худди шу еринда она безорлар Қодир билан Ўринойни кимга қиёс қилсам экан. Ўзини йўқдан бор қилган онаизорнинг қадрига етмаган кимса, бошқаларга нима наф етказар экан?

С. ЖУРАЕВ.

ИНСОФСИЗЛИК-КУ!

Мен газетангизда босилган «Она безорлар» мақоласидаги ... Қодиржон билан Ўринойларнинг ўз оналарига нисбатан ҳурматсизлик қилганларини ўқиб, юрагим ортиқ ёнди. Босилган хабарларни ўқиб чиққач, ғазабимдан ўзимни қаерга қўйишимни билолмай қолдим. Чунки ҳали ҳам орамизда ўз онасига нисбатан ҳурматсизлик билан қараб, унинг азиз ва мўътабар номини хўрловчи, ундан юз ўгирувчи, уни оёқ ости қилувчилар борлиги мени жуда ўйлатиб кўйди.

Қодиржон ва Ўриной! Ахир сизлар ҳам озми-кўпми ўқиган, оқ-қорани таниган кишилардирсиз. Лекин ҳайф сиздек ўқиган, тушунган ёшларга! Сизларга интизор, мўътабар, азиз оналарингиз кимларнинг қўлига қарам, кимларнинг эшигида сарсон саргардон бўлсин! Қани сизларда инсоф, шафқат ва адолат. Қани сизларнинг фарзандлик меҳрингиз ва бурчингиз.

Сизларга газетхонларнинг айтган аччиқ сўзлари тўғри ва ўринли. Дарҳақиқат, ҳали ҳам кеч эмас. Тезда оналарингиз олдига борнб узр сўранглар. Уларни ўз бағриларингизга олинглар, токи сизлардан умрларининг охиригача рози бўлишсин. Мен бу гапларни ҳақиқий педагоглик виждоним билан сизларга мурожаат қилиб айтаётирман. Менинг ҳам сизларнинг онангиз каби азиз ва мўътабар онам бор эди. Кўзларига тикилсам, кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшиларди. Афсуски энди у йўқ. Лекин барибир мен шу вақтгача ана шу улуғ зот онам ҳақидаги ширин хотирам билан яшамоқдаман. Ким ўз онасини хўрлар экан, унинг мўътабар, улуғ ва азиз номини оёқ ости қилар экан, у албатта халқ ғазабига ва нафратига учраши турган гап.

«Онангдан бош товлама, ошмасин дарди
Шараф тожи эрур оёғин гарди» дейди буюк мутаффакир Абдураҳмон Жомий.

«Ҳамиша ғолиб ҳаётнинг битмас-туганмас манбаи бўлган онани шарафлайлик»,— дейди севимли ёзувчимиз М. Горький.

Мен ишонаманки, сизларнинг тош юракларингиз албатта эрийди. Қилмишларингизга ачинасиз ва ўз онангиз бағрига қайтасиз, узр сўрайсиз, бош эгасиз. Чунки ҳали ҳам кеч эмас.

Қ. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.

Комсомол аъзоси Матлуба Ниёзова Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси ип ўраш цехининг энг ёш ишчиларидан. Аммо у смена ва ойлик топшириқларни мунтазам равишда ошириб бажараётир.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

«АБДУЛЛАНОМА»

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти Ўрта Осиё тарихига оид муҳим асарларни ўзбек ва рус тилларида нашр этиш соҳасида катта иш қилмоқда. Нашр этилган асарларнинг кўпчилиги асосан Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даври (1500—1753) га ва қисман Темурийлар даврига оиддир. Маълумки, Ўрта Осиёнинг Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даври (1500—1599), ижтимоий ва сиёсий хаёти кам ёритилган. Фондларда сакланган бу даврга оид қўлёзмаларни нашр этиш эндигина бошланди. Шулардан бири Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» (Шарафномайи шоҳий) асари бўлиб, унда Ўрта Осиё хакларининг XVI асрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳар томонлама ёритилган. Асар фактик материалларнинг бошқа тарихий китобларидан тамоман ажралиб туради.

«Абдулланома» асосан Абдуллахон II нинг вафотигача Ўрта Осиё, Қозоғистон ва қисман Афғонистон ҳамда Хуросонда бўлган сиёсий воқеаларни ўз ичига олади. Асарнинг муқаддимаси Абдуллахоннинг насаби, XV ва XVI асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё ва Мўғулистонда бўлган сиёсий аҳвол баён қилинган.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг бу шоҳ асари Ўрта Осиёнинг қадимий тарихи билан шуғулланаётган барча мутахассисларга, тарихчилар, шарқшуносларга яхши қўлланма бўла олади.

Н. ҚОРАБОЕВА.

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ОБУНА БЎЛИШМОҚДА

1967 йил учун газета ва журналларга обуна бўлишда Совет Армияси сафида хизмат қилаётган солдатлар ҳам актив қатнашмоқдалар. Улар янги йил учун «Совет Ўзбекистони», «Тошкент оқшоми», «Тошкент ҳақиқати» газеталари, «Фан ва турмуш», «Саодат» журналларига обуна бўлишди. Қисмларда газета ва журналларга обуна бўлишга қизғин давом этмоқда.

Х. АМИРОВ,
Х. ЭШОНҚУЛОВ,
Н-қисм солдатлари.

Уюшқоқлик билан

«Газета — ҳаёт ойнасидир». Буни яхши тушунган пойтахтдаги Калинин номли 155-мактаб коллективи шу кунларда обуна ойлиги эълон қилиб, уюшқоқлик билан газета ва журналларга ёзилишмоқда. Бунда шахсан мактаб директори намуна кўрсатди.

Дастлабки кунлардаёк мактабда ўқитувчи ва ўқувчилардан 80 киши «Ленин учқуни», «Гулхан», «Ёш ленинчи», «Ўқитувчилар газетаси»га, 100 киши «Правда», «Муштум», «Саодат» ва «Тошкент оқшоми» газета ҳамда журналларига обуна бўлишди. Бунда айниқса Рафиқа Жўраева, Шаҳодат Гелдиева, Исроил Холматов сингари бир неча газета ва журналларга обуна бўлган ўқитувчилар яхши иштирок этишди. Обуна бошқа мактабларда ҳам қизғин ўтмоқда.

А. ТОШПЎЛАТОВ.

КАМПИР ТИНЧИТДИ

ХИКОЯ

Укамиз Пўлатжонга не-не машақатлар билан бир қизни кўндирдик. Қиз ҳам кўнибди. Хуллас тўй бўладиган бўлди.

Тўйга керакли ҳамма тайёргарчиликни ўрнига келтирибмиз-ку, бир нарсани унутибмиз.

— Ашулачи айтмабмиз-ку!

— Тўй умрда бир бўлади, — дедилар онамиз сўзга аралашиб — ўйинчиларни олиб келиб бир ҳумордан чиқаман, — деган ниятим бор эди. Болагинамдан ҳеч нарсани аямайман, — деб туриб олдилар. Айтгани-айтган, деганидеган бўлиб келган мастура кампирнинг сўзини икки қилишга кимнинг ҳадди бор!

— Ашулачини қаердан топдик?

— Театрга борсаммикан?!

— Театрда ашулачи бўлармиди, — дейишди, оғзи билан иш битирадиган, уддабурро қариндошлар.

— Улар тўйга боришмайди, — деди бири.

— Яхшиси отарчилар чойхонасига борамиз! — деди ниҳоят амаким.

Бошингга тушганидан кейин ахтариб топар экансан. Чойхона гавжум. Омадимиз келиб, амаким чойхона эшигида бир таниши билан саломлашиб қолди.

Бу одам чамаси шу чойхонага тўпланган отарчилар билан алоқадор бўлса керак. Амаким мени чойхоначи билан таништирар экан:

— Ишимиз шу одам билан битади! — деди.

Чойхоначи — ўрта бўйли, қирра бурундан келган бўлиб, елкасига сочиқ ташлаб олган. Ҳа деб гаразон чойнакларни артар эди. Биз билан саломлашгач, гапира кетди:

— Отарчиларнинг қанақасидан керак? Буларни ҳар хил тўпи бор. Мана, масалан Тўра қорилар тўпи. «Ё ҳаётаннабий...» каби ашулалардан тортиб, зикру-самогача қилиб беришади. Барака топишсин. Ишқилиб қарияларимизни кўп дуосини олишяпти. Қолаверса мана, Анваржонларнинг тўдаси. «Ҳай-ҳай ўтинг шаббодалар», «Вохай бола»ни айтиб, ялла қилишади. Айниқса денг, икки — учта улама соч, жамалак солган артистналари ҳам бор. Ўйинга тушганидан кейин, товусни ҳайратда колдиради. Мана, Мамарайимжонларнинг тўдаси, ноғоралари билан боради. Базмни шулар қизитади-да...

Амаким чойхоначини сўзлашдан тўхтатмаганида эҳтимол, яна қанча гапирарди. Бирдан эсига келиб колди шекилли:

Айтгандай, сизники қанақа тўй?— деб сўраб қолди чойхоначи.

— Жиянни ўйлантиряпмиз!

— Э, ҳа, — деди чойхоначи, — ундай бўлса, ҳў анави одам билан гаплашасиз.—у четрокда чой ичиб ўтирган нейлон кўйлакли ўрта ёшлардаги кишини кўрсатди. Амаким ўша йигит билан чойхонанинг орқасига ўтиб кетди. Орадан сал вакт ўтгач, жилмайиб чиқиб келди.

— Пишди.

Амакимнинг авзойидаги юмшоқ табассумни кўргач:

— Тоза ашула эшитадиган бўлибмиз-да, — деб мен ҳам ич-ичимдан хурсанд бўлдим.

— Савдолашамизми? — деб сўрадим амакимдан.

— Жим! Бу ерда фақат имо билан иш битиришади.

✦ ✦ ✦

Ашулачилар тўйга келишаётганларини эшитган боладан каттагача ҳамма хурсанд. Кутиб олдик. Кампир бувимиз эса, шодлигидан қийқириб юборди.

Отарчиларни олдиндан тайёрлаб қўйилган катта каравотга олдик.

Узоқ кутдик. Ҳар замонда чолғу асбобларини тинғиллатиб, созлаб кўйишади ю, куй ёки ашуладан дарак бўлмайди.

Уч-тўртта ашула шинавандалари: «Эшитайлик!», «Ашуладан бўлсин!» дейишган эди, уларга қаттиқроқ ботибди.

Отарчилардан бири (бошлиги бўлса керак) мени чақирди.

— Тарбиясизлик бўлмасин. Ҳамма ашула сўрайбермасин. Фақат бир кишини биз билан муомала қилишга тайинлаб қўйинг. Иннай кейин, брат, анча салқин тушиб қолибтими, сал ҳалигидай... танни қиздирадигандан ҳам бўлсин!

— Амаки, — дедим ҳайрон бўлиб, — ҳали ашула айтгани йўқ-ку, ичимлик сўраяпти!

— Ҳа, беринг. Киши бошига учтадан коньяк беринг. Яхна гўш, қазилардан келтиринг.

— Учта коньякни ичиб, учиб қолса, ашулани ким айтади? — дедим мен таажжубланиб.

— Биттасини ичиб, иккитасини тугиб уйига олиб кетади.

Амаким айтганини бир зумда муҳайё қилдим.

Бир-икки марта бўғиқ ва хаста овоз билан ашула айтилган бўлди. Отарчиларнинг орқасидан эргашиб келган икки сатанг «асса-асса»га ўйинга тушди.

Тўй маросими тугашига яқин, бирдан каравотда ўтирган отарчилар жанжаллашиб қолишди. Кейин билсам, тушган қистирма ўлжаларни бўлиб олишда келишолмаптилар. Қараб турсак иш ёқа бўғишгача бориб етадиган. Бизларнинг ҳам аралашнишимизга тўғри келди.

Шундай пайтларда жанжалли ишларни осон битказадиган амаким ҳам бас кела олмади.

Айниқса отарчилардан биттаси тўнини тескари кийиб олган эди. Муомалага юрмагач, амаким:

— Пулингни ол-да, йўқолларинг! — деб ҳайдаб колди.

Ташқаридаги ғалвадан безовта бўлган бувим:

— Ҳай, нима гап, нима шовқун? — деб дахлизга чиқиб колдилар.

— Мана бу тўймагур отарчилар, ўлжа бўлашиб туриб, уришиб кетишди:

— Мастураой! — деб келинойимни чақирдилар бувим, — анави сандуқни очинг. Ўлимлиқка атаган пулим, лахтаклухтакларимни олиб чиқинг. Шуларга берай. Тўймагурлар тинчисин!

— Мана, олинглар! — бувим учта ўн сўмлик билан, ҳар хил рангдаги бўлтак-сўлтак чит-сатинларни уларнинг олдига ташладилар.

— Кампирники табаррук! — деб улар ҳам тортишиб кетди. Шундай қилиб тўйни бир амаллаб ўтказдик.

Аммо хафа эмасмиз: бисотидаги ўлимлиги билан отарчиларни тинчитган кампир ўлмайдиган бўлди.

Аввар АБДУЛЛА.

Янги курс

Пойтахтимиздаги «Узбексельмаш» заводининг Маданият саройида автомотоциклчилар тайёрлаш олти ойлик курси очилди. Курсда олтмиш киши таълим олмоқда.

Фидокорлар

Шу кунларда Тошкент трактор йиғув заводининг қайси цехига кирманг, қалбида меҳнат ғайрати жўш уриб ишлаётган фидокорларни кўрасиз. Корхонадаги ишчиларнинг ҳаммаси кунлик нормаларини ошириб адо этаётирлар.

Айниқса, 10-цех коллективининг меҳнат фаолияти мақтовга лойиқдир. Цех бошлиғи ўртоқ Н. Филяев ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг иши тўғрисида зўр меҳр билан ҳикоя қилади.

— Цехимиз коллективи,— дейди у фахрланиб,— шу кунларда ғайрат билан ишлаётирлар. Чунки ҳозир айни қизғин пахта терими палласи. Пахтакор дўстларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш — бизнинг зиммамизга юкланган. Пахта териш машиналари биз тайёрлаган тракторларсиз ишлай олмайди.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚКА

Корхонамизнинг кўли гул меҳнатсеварлари Владимир трактор заводидан чиккан машиналарни қайта тайёрлайдилар. Келтирилган тракторлар тор изли бўлиб, бункер ўрнатиш учун ноқулай. Заводимиз меҳнаткашлари ҳар ойда ана шундай тор изли тракторлардан 1600—1700 тасини бункер ўрнатишга тайёр килиб берадилар.

Цех ишчиларидан А. Абдуқодиров, К. Ғуломов, А. Қурбонов каби фидокорлар ўзларига берилган топшириқларни мунтазам равишда бир ярим-икки ҳисса ошириб адо этмоқдалар.

Корхона маъмурияти илғор кишиларни ой сайин рағбатлантириб туради. Бу эса ишчиларнинг янгидан-янги меҳнат ғалабаларига руҳлантиради.

Сентябрь ойи планини муддатидан аввал бажариб кўйган корхона коллективи ҳозирги кунда бу ой плани топшириқларини ҳам муддатидан янада аввал ўринлатиш учун жонбозлик билан ишлаётирлар.

А. НАСРИДДИНОВ,
студент.

ТАБИАТШУНОС МУЛОҲАЗАСИ

ЛОЛА ТЕРАК

Лола терак ёки халқ орасида «сариқ терак» деб юритилувчи дарахт магнолия гуллари оиласига киради. У дарахт Шарқий Осиёга яқин жойлашган Филиппин оролларининг Малай архипелаги ва Шимолий Америкада ўсади. Бизда Қрим, Кавказ, Украина, Ўрта Осиё шаҳарларида учрайди. Аммо бизда бундай дарахтлар жуда камёб.

Тошкентда лола дарахтини ўстириш ва бошқа камёб дарахтларни парвариш қилиш билан ўтган асрнинг охирларида таниқли ҳаваскор боғбон Корольков шуғулланган. У шахсан Карл Маркс кўчасида (Самарқанд кўчаси ва Қизил майдон ўртасида) лола дарахтини ўтқазди. Ўша дарахт билан скверда биродарлар қабрида кўкартирилган учта шу хилдаги дарахт олтмиш йилда йигирма икки метр ўсди. Унга парвариш яхши бўлмаганлиги учун дарахтлар қуриб, кесиб ташланди.

Ишқибозлар лола дарахтининг «ягона» намунасини «1-Май» кўчасидаги 29-уй ёнида учратишлари мумкин. Аммо бу дарахт ҳам яримси қуриб қолган. Бу сўнгги тўрт-беш йилда ариқлардан сув оқмаётганлиги туфайли рўй берди.

Маълумки, лола дарахтлари ўзида намни узоқ сақлайдиган соз тупроқли ерни севади.

Лола дарахтининг барги жуда чиройли. У яшил рангли, пиёладек катталикдаги тарам-тарам чумчуқ тили барглар билан ўралган бўлади.

Унинг сарв-комат танаси 20—25 метр, ўз ватанида эса 60 метр баландликкача ўсиб, диаметри уч метрга етади. Дарахт ердан 30 метр кўтарилгандагина шох ёзади. У енгил, хушбўй, сариғ кулранг бўлади. Америкада бу дарахтдан кемасозлик, ўй-жой қурилиши, шунингдек қимматбаҳо музика асбоблари ҳамда қутичаларга хомашё сифатида фойдаланилади. Илдиз қатламидан хиниининг энг яхши состави олинади. Шунингдек, дарахт илдизида алкоиоид-тюльпиферин (юрак фаолиятини яхшилайдиган модда) ҳам бор. Бундан ташқари, илдизда 8 процент танин бўлади.

Лола дарахтининг меваси қанотсимон, шар шаклидаги тугунчалардан иборат. Ташқаридан келтирилган дарахт уруғи бизда яхши ўсмади. Кўпгина олимлар маҳаллий иқлим шароитлари ҳамда иссиқ жойларда лола дарахтидан уруғ етиштириб бўлмайди деб ҳисоблашарди. Бу фикр 1932 йили Тошкент шаҳар питомнигининг ходимлари В. Темников ва И. Брадий томонидан рад этилди. Улар 12 лола дарахтидан маҳаллий шароитларда 25—30 килограмм уруғ олдилар. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника боғининг старший илмий ходими, биология фанлари доктори З. Бочансева лола дарахтининг биологик хусусиятини ўрганди. У очилган лолалар, яъни гуллар атрофида сунъий нам микроқлим яратди. Бу очилиш олдидан қоғоз халта билан ўради. Шундай қилиб Бочансева лола дарахтидан уруғ олиш масаласини ҳал қилди.

Эндиликда бу қимматли навни фақатгина кўча, сквер, майдон ва боғларни безаш учунгина эмас, балки яқин йилларда дарахтзорлар ва Ўрта Осиё тоғлик районларининг ўрмонларида лола дарахтларини ўтқазиш, шу билан қурилиш ва бошқа эҳтиёжлар учун маҳсулот олиш имконияти туғилди.

Ҳозирданоқ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғи ва В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг участкаси, Тошкент ижроия комитети декоратив боғдорчилиги совхози питомниги, Ўрмончилик хўжалиги, илмий текшириш институтининг дендропарки ҳамда бошқа кўпгина Ўрта Осиё республикаларининг питомникларида ўн ёшдан йигирма ёшгача 8—12 метрлик баландликдаги лола дарахтини учратиш мумкин. Бу дарахтлар яхши ўсиб гулламоқда, янги ерларда мева бермоқда.

Шаҳар кўчаларини кўкаламзорлаштириш, боғ хиёбонларни яхшилашда дуб билан лола дарахтини, чинор билан аралаштириб ёки крим қарағайи билан аралаштириб экишни тавсия қиламиз.

Ҳозир қўлимиздаги кўпгина лола кўчатларидан Тошкентнинг Комсомол майдони атрофига ўтказилмоқда. Ўзбекитсон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғи территориясида бундан ўн олти йил муқаддам экилган лола дарахтлари гуллаб, биринчи марта мева берди. Иқлимлаштирилган лола дарахтидан янги дарахтзорлар барпо этилади. Бу эса қимматли дарахтни Ўзбекистонининг шаҳар ва қишлоқларида кўкартириш имкониятини беради.

К. ОРИФХОНОВ,
биология фанлари кандидати.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН

— Кеннойингни сўраяпсанми! У курортда, ҳа-ҳа, қулоқ-миям тинчиган...

— Э! Э! Нимасини айтасан, жудаям соғиндим-да, ўзимам кеннойингни...

Изоҳсиз...
Рассом. А. Холиқов.

„Янгилик“ цехида

Куз. Оқшомлари совуқ тушмоқда. Кечқурун театр, кино ёки меҳмонга бораётганда ҳар ким енгилроқ, илиқроқ кийингиси келади. Бу ҳолда ҳамма жемпер ёки свитер олмоқчи бўлади. Бундай кийимлари бўлмаган кишилар нима қилади?

Марҳамат, «Янгилик» ателъесига буюринг. Бу ерда ҳар қандай буюртмани тайёрлаб беришади.

«Янгилик» ателъеси 1963 йилда кичкинагина хонада ташкил қилиниб, у ерда тўрт машинада саккиз киши ишлар эди. Кўпчилик учун ишлашга шароит йўқ эди. Ниҳоят 1966 йилнинг бошида ателье кенгайди. Унинг икки бўлимдан иборат цехи Високовольтний массивининг кенг ва ёруғ хонасида жойлашди. Цех яхши жиҳозланган, бир сменада 32 киши ишлаяпти.

Цех чеварлари сизга иссиқ, енгил жун кофталар, свитерлар, жемперлар ва болалар костюмини кўнгилдагидек тайёрлаб берадилар. Буюртмалар эса шаҳарнинг саноат моллари магазинларида қабул қилинади. Ҳозир бундай буюртма қабул қилиш жойлари йигирма бешга етди.

Цех коллективи сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашиб, қисқа муддатда яхши натижаларга эришди. Тўққиз ойлик план муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди.

— Бу муваффақиятларнинг сабаби шундаки,— дейди смена мастери Мария Емельяновна Матвеева,— коллективимиз ўз маҳоратини тобора такомиллаштирмоқда. Сифат учун курашда Раиса Леонтьева, Галина Дёмнина, Людмила Назарова, Полина Гогу ва бошқалар намунали ишламоқдалар. Улар ишда бракка йўл қўйишмаяпти. Ҳамиша ўз тажрибаларини ёшларга ўргатишмоқда.

М. НОРХЎЖАЕВ.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ 3 бет
5 ОКТЯБРЬ 1966 Й.

ХИЁНАТКОРЛИК ҲУЖЖАТИ

Бундан йигирма саккиз йил илгари Мюнхенда маккорлик ва хиёнаткорлик символи бўлиб қолган «битим» имзоланди. Ғарбий давлатлар фашистларни «гинчлантириш» деб аталган бадном сиёсатни ўтказа туриб, 1938 йил Гитлер ва Италия ҳукмдори Муссолини билан очиқдан-очиқ тил бириктирдилар. Натижада Чехословакия территориясининг бир қисми тортиб олинди ва Германияга «қўшиб юборилди». Мюнхен битими бизнинг мамлакатимизга қўрқитиш йўли билан мажбуран қабул қилдирилди. Ўша вақтдаги Чехословакиянинг буржуазия ҳукумати уни конституцияни қўпол равишда бузиб қабул қилди. Орадан беш ярим ой ўтгач гитлерчилар бутун Чехословакияни босиб олдилар.

Гитлер Германиясининг босқинчилик ҳаракатлари, шу жумладан Чехословакия территориясини босиб олиши Совет Иттифоқи томонидан дарҳол қораланди. 1946 йилда Нюрнбергдаги Халқаро трибуналда бу иш жиноят деб баҳоланди. «Мюнхен битими» Франция ҳукумати томонидан уруш вақтидаёқ «Бошидан охиригача ҳақиқий эмас» деб эълон қилинди. Ўтмишда Мюнхен битимига қўл қўйган Италия ҳукумати ҳам уруш охирида ана шундай фикрни айтди. Шунингдек Англия ҳукумати уруш йилларида ўзининг «Мюнхен битими» билан боғлиқ эмаслигини айтди. Бу йил эса Буюк Британия ташқи ишлар министри Майкл Стюарт бу битимни «Қоралашга лойиқ ҳаракат» деб баҳолади. Биз Германия Демократик республикаси ҳукуматининг собиқ Германия территориясидаги мавжуд икки давлатдан бирининг вакили сифатида Мюнхен битимини «Нацистларнинг қабиҳ жиноятн» деб атагани ҳақида гапирмаёқ қўяқоламиз.

Фақат бир ҳукумат — бутун Германия номидан гапириш ҳуқуқини қонунсиз равишда ўзлаштираётган ҒФР шу вақтгача Чехословакиянинг ўз-ўзидан тушунарли бўлган ва қонуний талабларини рад этмоқда ҳамда ўзбошимчалик ва зўравонлик ҳужжати бўлган «Мюнхен битими»ни расмий равишда ҳақиқий эмас деб тан олишдан бош тортмоқда.

Бонн ҳукумати бу ўринда Ғарбий Германиядаги барча реваншист союзларини ва маҳаллийчилик ташкилотларини пеш қилиб, улар «Ички сиёсий сабабларга кўра бундай қадам қўйишга мумкинлик бермаётирлар» деб кўрсатади. Буни қаранг-ки, Бонндагилар «қолт таъсир эта оладиган кучларнинг кўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлиб қолишни» истамас эмиш. Шундай қилиб ҒФР ҳукмрон доиралари Ғарбий Германияда ҳукумат сиёсатига ҳал қилувчи таъсир кўрсата оладиган реваншистларнинг думлари борлигини ўзлари тан олмоқдалар.

ҒФРнинг Мюнхен битимига нисбатан бундай йўл тутиши, уни қоралашдан бош тортиши Бонн ички ва ташқи сиёсатининг бошқа

тарқибий қисмлари билан боғлиқдир. Гап қуйидаги нуқтаи назарлар устида бораяпти:

Бонн «Буюк Германия империяси»ни тиклаш, яъни Германия Демократик республикасини ўзига қўшиб олиш ва Польшанинг кенг областларини, шунингдек Совет территориясининг қисмларини босиб олиш программасини олдинга суряпти. Федератив Республикада Чехословакия территориясини янгидан босиб олиш «зарурлиги»ни очиқдан-очиқ тарғиб қилаётган реваншист ташкилотлар ҳартарафлама рағбатлантириляпти;

Бонн шу вақтгача бошқа давлатларнинг ишларига уятсизларча аралашишдан иборат бўлган «Хальштейн доктринаси»га амал қилмоқда; ҒФР турли мамлакатларга улардан ГДР билан алоқада бўлмасликни талаб этиб, тазйиқ қилмоқда. Шу доктринага асосланиб, у 1957 йилда Югославия билан, 1960 йилда эса Куба билан дипломатик муносабатларини узди. Чунки бу давлатлар ўша йилларда Германия Демократик республикаси билан дипломатик муносабат ўрнатган эдилар;

Бонн ядро қуролини олиш ва бу орқали Марказий Европада кескинликни янада кучайтириш учун очиқдан-очиқ уринмоқда;

Бу вазиятларнинг ҳаммаси Ғарбий Германияда реваншист ва милитаристик давлатнинг мавжуд бўлиши Европада ва бутун дунёда тинчлик ишига жиддий хавф туғдираётганидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам Чехословакия ва бутун дунё демократик жамоатчилигининг ҒФР Мюнхен битимининг ҳақиқий эмаслигини бир умрга тан олиши керак, деган талаби ҳозирги кунда энг актуал масала ҳисобланади. Бонн ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли бошқаларнинг ерларини босиб олиш зарурлигини қутуриб пропаганда қилаётган реваншист кучлар тамомила аҳволаниб қўйилиши ва фош этилиши лозим.

1966 йилда биз ана шу мақсад билан 1938 йилдаги Мюнхенни эсга оламиз.

И. ЧЕРНИЙ,
Чехословакия журналисти.
(АПН — Прагопресс).

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

БОЛАЛАРГА ШАФҚАТСИЗЛИК

Олдимизда Бернд Вурлитцернинг «Нойес Дойчланд» газетасида босилган мақоласи турибди. У ўз мақоласида Бонн республикаси ва Ғарбий Берлинда баъзи ота-оналарнинг ўз болаларига нисбатан шафқатсизлик билан қилаётган муомалаларини кўрсатувчи ҳайратлантирарли фактларни келтиради. Бонн республикасида, дейди автор, ҳар уч кунинг бирида ўз отаси ёки онаси томонидан қийнаб қўйилган бир бола ҳалок бўляпти.

Расмий маълумотларга қараганда, Бонн республикасида ота-она дастидан ҳар йили 120 бола ўлиб кетмоқда. Ўша бошқарманинг маълумотларига кўра 1961 йилдан буён ўз ота-оналари томонидан 500 бола ваҳшийларча ўлдирилган. Бу ақл-фаросатга сиғмайдиган бир ҳолдир!

Ғарбий Германиядаги Дуисбург шаҳрининг давлат прокурори Герхард Пешке «Болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳоллари кўпаймоқда ва биз кўпгина болалар ўз ажали билан ўлмаётир, деб хавфсирамоқдамиз. Бу ҳақдаги маълумотлар прокуратурага келиб етмаяпти. Тахминимизча, ота-оналар дастидан ҳар йили 200 дан кўпроқ бола ўлиб кетмоқда» деб тан олишга мажбур бўлди. Ота-оналарнинг ўз фарзандларига нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлиши бошқа минглаб ҳолларда фожиасиз тугайди.

Ғарбий Германиядаги буржуазия газеталари ва расмли журналларнинг сарлавҳаларида ота-оналарнинг ўз болаларини ўлдириши ҳақидаги маълумотлар яққол кўзга ташланади.

Мана шундай ҳодисалардан баъзилари:

Рут Майер деган 37 яшар она ўзининг икки ўғилчасига энг яхши кийимларни кийдиради, уларга ўйинчоқлар сотиб олиш учун нетаётганини айтади. Кўприкдан ўтаётиб саккиз яшар катта ўғлининг елкасидан даст кўтариб кўприк панжарасидан ошириб дарёга улоқтиради, сўнгра олти яшар иккинчи ўғилчасини ушлаб олиб, қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, уни ҳам сувга ташлаб юборади. Иккала бола ҳам сувда ғарқ бўлади.

Браунгшайг шаҳрида у ўз жиноятини бўйнига олмаган. Лекин нейнчалик айби фош этилгач, болаларни боқиш қийин бўлганлигини айтган.

Гросс ненингсдорфлик 24 яшар она Анна Кремер ўзининг беш яшар ўғлини ездириб, қоқ суяк қилиб қўйган. Бу ҳодиса маълум бўлиб қолгандан кейин бола касалхонага жўнатилган. Лекин у ерда бола ўлиб қолган.

Обербауэрлик 23 яшар она Аннелора Шпицер ўзининг шафқатсиз муомалалари билан икки яшар қизини ночор аҳволга келтирган. Кейин эса уриб ўлдирган.

Франкфурт-майнлик 24 яшар она Урзула Каблау етти яшар қизини бўғиб ўлдиргани учун суд жавобгарлигига тортилган.

Унтердранкенлик 23 яшар ота Вальтер Ланг уч яшар қизини «йиғлагани учун» ваҳшийларча ўлдирган.

Бу жиноятлар «озод дунё» давлатида рўй бераётган ҳодисалардан бир шингил холос.

Ҳўш, ота-оналарни ўз болаларига бундай шафқатсиз муомалада бўлишга нима мажбур қиляпти?

Гамбургда чиқаётган «Вельт» газетаси уй-жой етишмаётгани ва квартиралар учун катта ҳақ олинаётгани ҳақида ёзади. Квартирага жуда муҳтож бўлганлар сони процент жиҳатидан 1932 йилдагига қараганда анча кўпдир. Бундайлардан кўпчилиги Бонндаги кўп болали оилалар ҳисобланади. Кўп болали оилалар ҳақида ғамхўрлик қилиши керак бўлган министрлик биноси яқинидаги яшаш учун яроқсиз бўлган кўҳна ва хароб баракларда 202 оила яшамоқда. Улардан 66 оиланинг тўрттадан кўпроқ фарзанди бор. Улар ўз даромадларининг анчагина қисмига тенг келадиган квартира ҳақини тўлай олмаётирлар. Бундан ташқари, уй эгалари ўз квартираларига кўп болали оилаларни камдан-кам қўядилар. Социал текшириш маълумотларига қараганда, Ғарбий Германиядаги Штутгард шаҳрининг ўзидагина 4000 боланинг ҳатто каравоти йўқлиги аниқланган.

«Болаларни ҳимоя қилиш немис жамияти» «Болаларга нисбатан раҳмсиз муносабатда бўлиб, уларни ҳалок қилиш дунёнинг бирор мамлакатида Ғарбий Германиядагидек даҳшатли даражага етмайди» деб таъкидлашга мажбур бўлди.

Бу жамиятнинг вице-президенти Бонн республикасида болаларга шафқатсиз муносабатда бўлиш фожиа ҳисобланмайди, ахир қичкина болалар «Потенциал сайловчи»лар эмас-да, деб алам билан хулоса чиқарди.

Бонн жамоатчилиги болаларга раҳмсиз муносабатда бўлиш бундай жиноятлар учун енгил-елпи жазо берилаётгани натижасида рўй бермоқда деб ҳисоблаётир ва қаттиқроқ жазо чоралари қўлланишни талаб қилмоқда. Бироқ оила ва ёшлар иши билан шуғулланувчи министр доктор Бруно Ген елкасини қисиб: «Бунинг қандай фойдаси бор» деди ва бу жиноятлар баъзи ота-оналар фикрлаш усулининг натижасидир» деб қўшиб қўйди.

Бундай ота-оналар нимнинг таъсирида ва уларнинг фикрлашига ким таъсир кўрсатяпти, деган ҳақли савол туғилади.

Собиқ гестапочилар ва нацист партиясининг аъзолари қонун чиқараётган, ҳукуматнинг халқ ўртасида ўтакетган миллатчилик ва реваншчилик руҳини кучайтиришига қарши чиқаётгани учунгина минглаб ишчилар суд жавобгарлигига тортилаётган мамлакатда шундай бўлиши турган гап. Гамбургдаги «Цайт» газетаси Ғарбий Германиядаги ҳайратда қолдирувчи фактларни назарда тутиб, «мактабгача ёшдаги болаларга шунчалик ёмонлик ва жабр-жафо қилинаётган бундай жамиятнинг қандай қиймати бор?» деган хулосани чиқаради.

Биз бундай хулосага тўла қўшиламиз.

СПОРТ ХРОНИКАСИ

ЁШЛИК КУБОГИ УЧУН

Пойтахтимиздаги «Спартак» стадионида СССР «Ёшлик» Кубоги ўйинлари иккинчи давра учрашувларининг биринчи матчи бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар терма командаси Туркманистон футболчиларини қабул қилди. Учрашувнинг иккала бўлими ўзбек ёш футболчиларининг ҳам техник, ҳам комбинацион устунлиги остида ўтди. Ўзбекистон ёшлар терма командаси киритган уч тўпга жавобан туркман вакиллари фақат бир тўпгина кирита олдилар.

Бизнинг футболчилар энди 9 октябрда Арманистон ёшлар терма командаси футболчиларини ўз майдонларида қабул қиладилар.

Олмаота шаҳрига

Кеча Олмаота шаҳрига пойтахтимизнинг ёш қиличбозлар терма командаси жўнаб кетди. Улар Қозоғистон пойтахтида ўтказиладиган ёшларнинг Бутуниттифоқ зонал мусобақаларида иштирок этадилар.

КУБОК АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИДА

Марказий «Пахтакор» стадионида енгил атлетика бўйича республика биринчилиги мусобақалари икки кун давом этди. Қатнашчилари «Олимпия умиди» мукофоти учун ўзаро беллашдилар. Бу мукофотни республикамиз кўнгилли спорт жамиятлари ва ташкилотлари Марказий совети таъсис этган эди. Бу мукофотни пойтахтимиз армия спорт клуби спортчилари қўлга киритдилар.

МИЛИЦИЯ ЮМОРЛАРИДАН

Жабрланувчи: — Ўртоқ гражданин милиционер! Мана бу безори мени ҳақорат қилди.

Милиционер: — Гувоҳингиз қани?

* * *

Командир: — Сержант Қиличев? Нега ишга соколингизни олмай келдингиз?

Сержант: — Ўртоқ командир, ахир мен тунги ишдаман-да.

* * *

Милиционер: — Ўртоқ гражданин? Сиз жабрланувчига гувоҳ бўла оласизми?

— Йўқ.

— Нега?

— У менинг танишим эмас-да.

БАҲАЙБАТ ОШҚОВОҚ

ҚУРОҒОНТЕПА. (ТАСС мухбири). «Қўрғонтепа» богдорчилик ва узумчилик совхози пайкалида шундай ошқовоқ етиштирилдики, уни ердан узиб, даладан олиб чиқиб кетиш амри-маҳол бўлди. Уни совхознинг марказий қўрғонига келтириб тарозига қўйишганида энг тажрибали полизчилар ҳам ҳайратда қолишди. Ошқовоқ 82 килограмм келди. Унинг диаметри — 60 сантиметр. Шу паланда битган иккинчи баҳайбат ошқовоқ 62 килограмм келди.

«100-фунтовая» навли украин ошқовоғи ана шундай ҳосил берди. Деҳқонлар энг катта ошқовоқни СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига юборишга, иккинчисини эса уруғини олиб яна экиш учун хўжалиндa қолдиришга қарор бердилар.



Олтин куз неъматлари.

А. АБАЛЯН фотоси.

Маслаҳатларимиз

ДЕРАЗАЛАРИНГИЗНИ МАҲКАМЛАДИНГИЗМИ?

Қийшайиб қолган деразаларингизни ромларини уч бурчак тунука ёрдами билан мустаҳкамлаш мумкин. Агар уни хўжалик буюмлари магазинидан топа олмасангиз, ўзингиз қўлда ясашингиз мумкин. Унинг ҳажми ромнинг катта-кичиклигига қараб белгиланади.

Форточка роми учун уч бурчак мустаҳкамлагични консерва банкасидан ҳам тайёрлаш мумкин. Деразанинг сиртқи ромлари учун 2—3 миллиметрли уч бурчак мустаҳкамлагич олиб, 6—8 та винт билан бураб қўйиш керак.

Буни амалга оширишдан аввал ромни тўғри ўрнаштириш лозим. Мустаҳкамлагичлар пухта бўлсин учун винтларни ромнинг ёғоч қисмига яхшилаб бураш керак. (Мих ишлатиш маслаҳат берилмайди).

Синган ойналар ўрнига янгиларини қўйиш учун ром зихларини замазка қолдикларидан яхшилаб тозалаш керак. Сўнг ойнани ювиб, артиш лозим.

Қўш каватли ромнинг сиртқи каватини яхшилаб ёпиб, илгакларини солгач, ромлар орасига 5-7 сантиметр қалинликда кипик ёки пахта қўйиш лозим.

Ойна буғланмасин десангиз, бурчакка олтингугурт кислотаси солинган стаканчалар қўйиш керак. Пахта тагига бир неча бўлак писта кўмир қўйилса, у ҳам намни шимиб олади. Ички ромни ёпиб, илгакларини солгач, ойнанинг очик жойлари замазкаланади.

Замазка бўлмаса, ром рангидаги қоғоз ёпиштириш ҳам мумкин. Қоғозни елим ёки хом сут билан ёпиштириш мумкин. У қиш бўйи замазка ўрнида хизмат қилади.

Агар кишда ҳам деразалар очилиши керак бўлса, замазка ўрнига пластилиндан фойдаланиш мумкин.

Замазкани қўлда тайёрласа ҳам бўлади. Бўр писта мойи ёки алиф билан қуюлгунча аралаштирилади. Аралашмани яхшилаб ориш керак, токи орасида ёирик доналар қолмасин. Замазка юмшоқ бўлиб маромига келгач, ундан фойдаланса бўлади.

Замазкани очик ҳавода қолдириш ярамайди. У тез қотиб қолиши мумкин ва ундан фойдаланиб бўлмайди. Замазкани узоқ сақлаш учун уни ёғлик қоғозга ўраб қўйиш керак. Шунда ҳаво кирмайди. Тайёр замазка сув солинган идишда ҳам яхши сақланади.

Эски ромга ойна қўйганда, унинг зихларини тозалаб, алифлаш керак. Акс ҳолда меҳнатингиз зое кетади.

Ойнани сувга нашатир спирти ва бўр қўшиб, юмшоқ латта билан ювинг, сўнг ғижимланган қоғоз билан артинг. Нашатир спирти сувга нисбатан ўндан бир кисм бўлиши керак.

Агар ойнага пашшалар ўтирмасин десангиз, сувга бир оз керосин аралаштириб ювинг.

Ойнани шерст латтани зиғир мойига ҳўллаб ҳам тозалаш мумкин. Бунда мойли латта билан ойна яхшилаб артилгач, устидан қоғоз билан ёғ юки қолмагунча артилади.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ШИФОКОРЛАР МИНБАРИ

САРИҚ КАСАЛЛИГИ

Юқумли сариқ касаллик, эпидемик гепотит ёки боткин касаллиги, катталар ва болалар орасида кенг тарқалган юқумли касалликлардан биридир. Бу касалликни чақирувчи микроб жуда кичкина бўлгани учун, махсус фильтрлардан ўтиб кетади. Шунинг учун ҳам бу микробни вирус деб аталади. Юқумли сариқ касаллигини чақирувчи вирус бошқа вируслардан (грипп, полиомиелит, сув чечаги ва бошқалардан) фарқи шундаки, улар бошқа муҳитга чидамлидир. Масалан: музлаган таҳдирда ҳам, 30 минутдан кам вақтда қайнатилганда ҳам яшаш қобилиятини йўқотмайдилар.

Бу касаллик бутун организм касаллиги бўлиб, асосан жигар жароҳатланади (жигар тўқималари). Бу касаллик билан фақат одамларгина оғрийдилар (антропоноз), шунинг учун ҳам бу касалликни беморларгина юқтирадилар.

Бу касаллик одамларга турли йўл билан юқиши мумкин. Контакт йўли билан, яъни бемор билан бевосита бирга бўлганда. Турли хил вирус билан ифлосланган овқатлар, сув, ҳўл мева ва бошқа нарсалар орқали юқиши мумкин.

Айрим ҳолларда вирус касал одамдан йўталганда, аксирганда ёки қаттиқ сўзлаганда тупук томчилари орқали атрофга тарқалиши мумкин.

Пашшалар ҳам бу касалликни тарқатишда воситачи бўладилар. Беморлар касалликнинг биринчи ҳафтасида ва касалликдан 3-5 кун илгари ҳам хавфли ҳисобланадилар. Айрим ҳолларда вирус шу касаллик билан оғриб тузалган кишиларда бўлиши мумкин.

Кўпинча вирус организмга овқат йўли билан киради, ҳудди бошқа ичак касалликларга ўхшаш (қорин тифи, дизентерия ва бошқалар) киши зарарланган вақтдан, касалликнинг биринчи аломатлари пайдо бўлгунча 3 дан 5 ҳафтагача вақт ўтади, бу вақтни инкубацион давр деб аталади. Касаллик қуйидаги йўллар билан бошланиши мумкин.

Иситма 38-38,5 даражага кўтарилиб, 2-3 кун давом этиб, умумий қувватсизлик, иштаҳасизлик, (энг кўп учрайдиган аломат) кўнгил айнаш, қусиш, ўнг қобирга остида ёки қорин атрофида оғриқ сезилиб, баъзан ич кетиш ҳоллари бўлиши мумкин. Бу хилдаги бошланишни ошқозон-ичак типидаги бошланиш деб аталади.

Айрим ҳолда касаллик юқори нафас йўллари шамоллашига ўхшаш, ангина, мускулларда оғриқ шаклида ўтади. Бу хилдаги бошланиш грипп касалининг бошланишига ўхшайди ва грипп шаклида бошланиш деб аталади.

Айрим ҳолларда беморларни бўғин оғриғи безовта қилади, ҳудди ревматизм касаллигидагига ўхшайди, шунинг учун ҳам бу хилдаги бошланишни, ревматизм типидаги бошланиш деб аталади. Касалликнинг 5-8 кунида ўнг қиқин остидаги оғриқ кучаяди. Жигар катталашади, кўз ва тери сарғаяди. Кишилар кўзларида юқоридаги аломатлар пайдо бўлганда, врачга мурожаат қилишлари керак. Бу касаллик тезлик билан аниқлаш, шифохонага ётқизиш, бу касалликдан тузалишда катта роль ўйнанди. Беморлар ўз вақтида врачга мурожаат қилмасалар, уйларида қолиб, оила аъзоларига ҳам касалликни юқтиришлари мумкин, шу билан бирга бу кишиларнинг тузалиши ҳам анчага мўзилиб кетади, икки-уч ойлаб шифохонада ётадилар.

Касалликдан тузалиб кетилгандан кейин ҳам бир йил давомида врач назоратида туриш керак. Олти ой давомида турли хил овқатлардан (ёғли овқатлар, қовурилган гўшт, ёлов ва бошқалар) ва спиртли ичимликлардан парҳез сақламоқ керак. Акс ҳолда бу касаллик қайталаши мумкин. Фақат врач маслаҳати билангина режимни тугатиш мумкин.

А. ҲАКИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

5 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 — Чет эл эстрада куйлари ва қўшиқлари. 18.30 — Романслар. 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — Шоирлар—пахтакорларга. 20.45 — «Кишлоқ юклари ўз вақтида етказиб берилсин». 21.20 — Концерт (кишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Коммунистик ахлоқ ва тарбия. 22.15 — Концерт (пахта теримида қатнашувчи шаҳарликлар учун). 22.40 — Поэзия кечаси. 23.20 — «Окшом юлдузлари».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.10 — «Ёшлик» радиостанцияси. 20.50 — Қозоғистон радиоси эшиттириши. 21.00 — Концерт (пахта далалари меҳнаткашлари учун). 21.30 — Корейс куйлари.

Кино театрларда

5 ОКТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Уруш ва тинчлик — САНЪАТ САРОЙИ (кенг форматли рангли бадиий фильм, икки қисмдан иборат 1-серия, кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

Қалбингда қуёш — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ДРУЖБА» (1-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «СПУТНИК» (кеч соат 7 да).

Неча йил, неча замондан бери (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда кеч соат 8 да), «СПУТНИК» (кеч 9 да).

Юпқа муз устидан — «ДРУЖБА» (кеч соат 6 да 2-залда), «ЮЛДУЗ» (кеч 7 ва 9 да).

Она ва сукунат — СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқурун), «МОСКВА» (кеч соат 9 да).

Оила тумори — «МОСКВА» (кеч соат 7 да).

Сахий аждар — «МИР» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-20 минут ва 10 да)

Неча йил, неча замондан бери — 1 ва 2-серия — «ХИВА», КАФАНОВ номли (кеч соат 7 яримда).

Она ва сукунат — ПУШКИН номли.

Юпқа муз устидан — «ВАТАН».

Қалбингда қуёш — (рус тилида) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Чоллар хмель теримида — «САЛЮТ».

Макс Линдер компанияси — КИРОВ номли.

Гангиш — НАВОИЙ номли.

Боши очик — 9 МАЙ номли.

Истамбул хазиначисининг мероси — «ОҚТЕПА».

Телевидение

5 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Қизил галстук** тележурнали. 19.10 — **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун**. 19.30 — **Концерт**.

20.05 — **Эртанги кун программаси.**

20.10 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Буратино ва Тяпа** (болалар учун кўғирчоқ фильм). 17.30 — **Ҳар ким спортсмен бўлиши мумкин** (мактаб ўқувчилари учун). 17.50 — **Сергей Лемешев куйлайди.** 18.20 — **Остонангда** (телеспектакль). 19.50 — **Тошкент янгиликлари.**

Ўзбек тилида: 20.00 — **Бу — ҳаммага тааллуқли** (ҳужжатли фильм). 20.20 — **Тошкент янгиликлари.** 20.30 — **Спорт билан дўстмиз.** 20.50 — **Камер асарлар.** 21.20 — **Евдокия** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/Х да **Оққуш кўли**, 6/Х да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/Х да **Сарвқомат дилбарим**, 6/Х да **Мирзо Улуғбек.**

Пазанда ҳузурида

500 ХИЛ ТАОМ

Пушкин номли Тил ва адабиёт институти 16 томлик ўзбек энциклопедиясини нашр этишга тараддуд кўрмоқда. Катта ишнинг биринчи томини келгуси йилда, охиргиси эса 1977 йилда чиқариш кўзда тутилмоқда.

Бу энциклопедия учун ўзбек пазандаси Карим Маҳмудов таомларнинг хиллари ҳақида мақолалар ёзмоқда. Таомларнинг номи 500 га бор.

Энциклопедиянинг палов сўзлиги бўйича мақола ниҳоясига етди. Пазанда ўзбек паловларининг йигирма етти хилини топган эди. Яна уларнинг ёнига шолғомли палов, шодибеги палов, ланқа палов, қорма палов, угра палов, суэма паловлар қўшилди. Пазанда К. Маҳмудов бундан ташқари бир неча турдаги кабоблар, самир таомлари, бўрсилдоқ нонларнинг кўпгина турлари, салат ва яхна овқатларнинг илгари кўпчилиннга маълум бўлмаган вариантларини тиклашга муяссар бўлди.

Пазанда энциклопедия учун ўзбек таомларининг 500 хили ҳақида мақолалар ёза бошлади. Айни пайтда ўзбек таомлари китобининг учинчи нашрини ҳам тайёрламоқда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 22-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор ВЗ-02-49 дан ВЗ-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими — 3-66; саноат, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими — 3-66; ада биёт, санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони ВЗ-65-57); хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 3-79; эълонлар бўлими — 5—07 (шаҳар телефони — ВЗ8142).

5 ОКТЯБРЬ, 1966 ЙИЛ. Р. 1395. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Г. 27862.